

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси

***И.С.ТУХЛИЕВ, Д.З.НОРКУЛОВА, Ш.Ш.РАХМОНОВ,
М.Г.ХУСЕНОВА***

Туризм: назария ва амалиёт

фанидан “Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари” мавзуси
бўйича

ўқув-услубий қўлланма

САМАРҚАНД-2018

И.С.Тухлиев, Д.З.Норкулова, Ш.Ш.Рахмонов, М.Г.Хусенова. “Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари” мавзуси бўйича *ўқув-услубий қўлланма*. Самарқанд. СамИСИ, 2018. 92 бет.

Такризчилар:

Алимова М.Т. “Маркетинг” кафедраси мудири, и.ф.д.

Нарзикулов Д. Самарқанд вилоят туризмни ривожлантириш
Департаментининг биринчи ўринбосари

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада иқтисодиётимизнинг стратегик сектори ҳисобланган туризм соҳасининг таснифланиши, анъанавий туризм турлари, шунингдек, туризмда ўзига хос турлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўқув-услубий қўлланмадан Олий таълим муассасалари талабалари ўқув жараёнига, курс иши, мустақил иши ҳамда битирув малакавий ишини тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Ўқув-услубий қўлланма институт Ўқув-услубий Кенгашининг 8-сон мажлисида муҳокама қилинди ва чоп этишга тавсия этилди.

И.С.Тухлиев, Д.З.Норкулова, Ш.Ш.Рахмонов, М.Г.Хусенова. “Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари” мавзуси бўйича *ўқув-услубий қўлланма*. Самарқанд. СамИСИ, 2018. 92 бет.

Кириш

Туризм қадимдан сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, савдо-сотиқни ривожлантиришга, маданий-маърифий соҳаларни ўрганишга хизмат қилган. Бугунги кунда туризм жадал суръатларда ривожланаётган жаҳон иқтисодиётининг кучли соҳаларидан бири бўлиб, даромад келтириш бўйича дунёда нефт қазиб чиқариш ва автомобилсозликдан кейинги учинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Бутунжаҳон Саёхат ва Туризм Кенгашининг маълумотларига кўра, ҳозирда ушбу соҳанинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10,4 физни, хизматлар экспортидаги улуши 6,5 фоизни, жами киритилган инвестициялардаги улуши эса 4,5 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, дунёда иш билан банд бўлган аҳолининг 1/10 қисми туризмга хизмат қилмоқда, бу эса дунёдаги иш билан банд бўлган аҳолининг 9,9 фоизини ташкил этади¹. Ушбу кўрсаткичларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши бевосита дунё бўйлаб саёхат қилаётган халқаро туристлар сонининг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

Бой тарихий ўтмишга, 7300 дан ортиқ маданий мерос объектларига эга Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларга эга ҳамда иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида туризм соҳасини жадал ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётнинг стратегик секторига айлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра: «мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастронимик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа

¹ World Travel&Tourism Council, Economic Impact 2018, page 1

турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш» ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Фармондан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам кўплаб туризм турларини ривожлантириш имконияти мавжуд бўлиб, ушбу турлар учун туристик маршрутларни шакллантириш, уларни туристик маҳсулот таркибига киритиш, истиқболли туризм турларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Шундай экан, мавжуд салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, ривожлантирилиши мумкин бўлган туризм турларини тўлиқ ўрганиш, туристлар учун янгича туристик маҳсулотларни таклиф этиш муҳимдир.

Мавзунинг мақсади: “Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари” мавзуси бўйичабилимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш.

Педагогик вазифалар:

- Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари ҳақида маълумот бериш;
- Туризмнинг турларини тушунтириб бериш;
- Туризмнинг турларини таснифланг.

Таълим бериш усуллари: Топшириқлари, амалий ишлар, кичик гуруҳларда ишлаш, “Ақлий ҳужум”, “Нима учун?”, “Тоифалаш” жадвали.

Таълим бериш шакллари: Жамоа ва гуруҳларда ишлаш.

Таълим бериш воситалари: Маърузалар матни, маркерлар, қоғозлар, доска ва бўр.

Таълим бериш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.

I-БОБ. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА ТУРЛАРИ

1.1. Географик ва туристик талаб йўналиши бўйича

Дунё халқлари табиати, иқлими турлича бўлган географик минтақаларда яшайдилар. Улар яшаш жойларида доимо бир хил манзарани кўриб зерикадилар ва бошқа жойларга бориб, инсоният томонидан ва табиий яратилган мўжизаларни кўришни хоҳлайдилар.

Туризм қадимдан сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, савдо-сотиқни ривожлантиришга, маданий-маърифий соҳаларни ўрганишга хизмат қилган. Бугунги кунда туризм жадал суръатларда ривожланаётган жаҳон иқтисодиётининг кучли тармоқларидан бири бўлиб, даромад келтириш бўйича дунёда нефт қазиб чиқариш ва автомобилсозликдан кейинги учинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Туризм мураккаб бир феномен ҳисобланади. Кўплаб адабиётларда ушбу тушунчага турлича таъриф келтирилган. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг берган таърифига кўра: “Туризм – инсонларнинг одатдаги муҳитдан ташқарида ҳордиқ чиқариш, иш ва бошқа мақсадларда 24 соатдан 1 йилгача бўлган муддатда саёҳат қилиши ҳисобланади”².

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонуннинг 3 моддасига кўра, “Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий – амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) дир”³.

Замонавий туризмнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашмақсадида, унинг муҳим таснифий белгиларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жумладан, географик ва туристик талаб йўналиши бўйича, сафар мақсади, ҳаракатланиш усули, туристларни жойлаштирув воситалари ва иштирокчилар сони бўйича, ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

² UNWTO technical manual: Collection of Tourism Expenditure Statistics. 1995. p.10

³ Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил 14 сентябр

Туризм соҳасининг таснифланиши

№	Таснифланадиган белгилар	Туризм турлари
1	Географик ва туристик талаб йўналиши бўйича	1.1 . Миллий 1.2 . Халқаро 1.3. Худудий (минтақавий) 1.4. Ички 1.5. Кирувчи 1.6. Чикувчи
2	Мақсадлар бўйича	2.1. Тарихий обидалар туризми 2.2. Археологик туризм 2.3. Рекреацион туризм 2.4. Соғломлаштирувчи дам олиш 2.5. Малакавий иш туризми 2.6. Илмий туризм 2.7. Спорт туризми 2.8. Шоп-турлар 2.9. Диний туризм (ҳаж сафари, зиёрати) 2.10. Қўмсаш, соғиниш туризми 2.11. Экотуризм 2.12. Овчилик туризми 2.13. Гастрономия туризми 2.14. Сафари туризми
3	Молиялаштириш манбаи бўйича	3.1. Ижтимоий туризм 3.2. Тижорий туризм
4	Ҳаракатланиш усули бўйича	4.1. Яёв 4.2. Авиатранспорт 4.3. Денгиз транспорти 4.4. Дарё транспорти 4.5. Авто тарнспорт 4.6. Темир йўл транспорти 4.7. Велосипед транспорти 4.8. Уловларда 4.9. Аралаш
5	Жойлашув воситалари бўйича	5.1. Отелларга, меҳмонхоналарга 5.2. Мотелларга 5.3. Пансионатларга 5.4. Кемпингларга 5.5. Палаткаларга 5.6. Ротелларга 5.7. Ботелларга 5.8. Санаторийларга 5.9. Флотелларга

		5.10. Хостелларга 5.11. Отел-клубларга 5.12. Турбазаларга 5.13. Туристик уйларга 5.14. Аппартаментлар
6	Иштирок этувчилар сони бўйича	6.1. Индивидуал-якка 6.2. Оилавий 6.3. Гуруҳлар бўлиб
7	Ташкилий шакллари бўйича	7.1.Ташкил этилган 7.2.Ташкил этилмаган

Географик ва туристик талаб йўналиши бўйича туризмнинг қуйидаги турини кўрсатиш мумкин: «Миллий», «Халқаро», «Худудий (минтақавий)», «Ички», «Кирувчи» ва «Чиқувчи».

Халқаро туризм –мамлакат фуқаросининг чет давлатларга туристик мақсадларда чиқиши ва чет давлат фуқароларининг туристик мақсадлар билан ушбу давлатга ташриф буюриши ҳисобланади. Халқаро турист тушунчасига ташриф буюрган хорижий давлатга 24 соатдан кам бўлмаган муддатга келган ва малакавий фаолиятига ҳақ тўланмайдиган вақтинчалик ташриф буюрган туристлар киради.

Туристик оқимларнинг йўналиши бўйича туризм турлари «Кирувчи» ва «Чиқувчи» тоифаларига бўлинади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда туризм турлари уйғун ҳолатда ривожланади, «ички» ва «ташқи» туризм соҳасида мувозанат сақланади.

Туризм хизматлар бозорини мувофиқлаштиришда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ишланмалари бўйича қуйидаги нисбат тавсия қилинади:

1 та кирувчи турист–1 та чиқувчи турист–4 та ички турист.

Ушбу нисбатнинг Ўзбекистон бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ҳар битта кирувчи туристга 1,4 нафар чиқувчи турист тўғри келиб, шуларга нисбатан ички туристлар сони 3,5 нафар туристни ташкил этмоқда.

1 та кирувчи турист– 1,4 та чиқувчи турист–3,5 та ички турист.

БТТ тавсиялари асосида Ўзбекистон бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра чиқувчи туристлар сонининг кирувчи туристларга нисбатан

0,4 кишига кўплигини кўрсатмоқда. Бу вазият Ўзбекистон фуқароларининг оилавий бюджетидан бевосита туристик мақсадларга ажратилган қисми ортиб бораётганлигини ифодалайди. Бу ўз навбатида ижобий кўрсаткич бўлиши билан биргаликда унинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд бўлиб, Республикадан чет эл валютасининг чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Юқоридаги БТТнинг нисбатига кўра ички туризм 4 кишига эга бўлиши керак эди, демак Ўзбекистон шароитида ички туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Ички туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати. Ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмийлик билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, ҳужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Дунёдаги сафарларнинг 80-90% фоизи ички туризм улушига тўғри келади. Унга қилинадиган ҳаражатлар халқаро туризм ҳаражатларидан 5-7 баробар кам бўлади. Айниқса, туризмнинг бу тури АҚШ, Франция, Англияда оммабоп ҳисобланади.

Кирувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати.

Чиқувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг ўзга мамлакатларга қилган саёҳати.

1.2. Мақсадлар бўйича туризмнинг таснифланиши

Тарихий обидалар туризми – Италиянинг Рим шаҳридаги Колизей амфитеатри, Миср Араб Республикасининг Гиза шаҳрида жойлашган эҳромлар, республикамизнинг Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларидаги ва туманларидаги тарихий обидаларни кўришга қизиқиш.

Археологик туризм – Туркиядаги Илион, Перудаги Мачу-Пикчу, Ўзбекистондаги Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа шаҳарларнинг қолдиқлари, қадимий қалъалар ҳаробалари, кўҳна қадимий археологик топилмаларни ўрганиш.

Рекреацион туризм – (recreation – тикланиш маъносида) дам олиш мақсадидаги, туризм сифатида ўз таркибида соғломлаштириш ва жисмоний тикланиш мақсадларини ҳам ташкил этади. Рекреацион туризм қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, **соғломлаштириш ва даволаш** мақсадларида қилинадиган туризм – health and fitness tour or resort tour. Spa ёки health spa – санаторийлар, курортлар, пансионатлар соғломлаштирувчи – даволовчи ташкилотлар, курорт зоналарида, шифобахш сувлар, шифобахш балчиқлар ва бошқалар ёрдамида (шифобахш минерал сувли курортларда) олиб борилади. Туристик соҳага ихтисослаштирилган соғломлаштириш мақсадларига қараб, дам олиш масканларида минерал сувларни ичиш ёки минералли ва олтингугурт водородли ванналар қабул қилиш имкониятлари белгиланади. Бунга мисол тариқасида чет эл шифобахш сувли курортларидан – Россиядаги Кавказда жойлашган Кисловодск, Железноводск, Пятигорск, Ессентуки; Виши, Виттел ва Экс-ле-Бен (Франция); Бад-Наукейм, Висбаден ва Баден-Баден (Германия); Карлава Вари (Чехия); Спа (Белгия); Бат ва Бакстон (Буюк Британия); Бурса (Туркия); Атами (Япония) термал булоқларининг каттагина қисмини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам унинг бой табиати ва иқлимидан келиб чиққан ҳолда, Фарғона водийсида жойлашган «Чортоқ», «Шоҳимардон», «Арслонбоб», «Олтиариқ», «Чимён», Самарқанд вилоятида жойлашган «Абу Али Ибн Сино», Бухородаги «Ситораи Моҳи-Хоса» ва Тошкент вилоятида жойлашган «Чинобод» ҳамда «Турон» каби минерал сув билан даволаш дам олиш имкониятига эга бўлган санаторийлар, дам олиш оромгоҳлари мавжуд.

Малакавий иш туризми. Туризмнинг мазкур турига иш мақсадлари билан амалга оширилган сафарлар киради. Ҳозирги иқтисодийни модернизациялаш шароитида хусусий тадбиркорларнинг фаолияти хорижий ҳамкорлар билан ишлашни тақозо қилмоқда, шу туфайли маҳаллий тадбиркорларнинг халқаро муносабатлари ривожланиб бормоқда. Ишчанлик

туризмнинг афзаллиги шундан иборатки, уни туризм соҳаси учун номавсумий пайтда ҳам ташкил этиш имкониятини беради.

Туризмни мазкур турининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ишчанлик вазиятида ўтадиган учрашув иштирокчилари мамлакат бўйлаб қилинган саёҳат пайтида оддий туристга нисбатан кўпроқ маблағ сарфлайди. Шунинг учун кўпгина давлатлар халқаро форумларни ва шунга ўхшаш тадбирларни ўз мамлакатаида ўтказишга ҳаракат қиладилар (масалан, турли форум, фестивал, қишки ва ёзги спорт мусобақалари ва ҳ.к.).

Илмий туризм. Ўқиш, таълим олиш мақсадида, малака ошириш мақсадида сафар қилиш халқаро туризмнинг нисбатан янги турлари сафига киради. Хорижда таълим олиш учун сафар қилиш Ўзбекистонда ҳам турбизнесининг янги сегментларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу сафарларнинг оммабоп бўлиб бораётган тури бу хорижий тил ўрганиш мақсадида Буюк Британияга ва бошқа инглиз тилида сўзлашадиган давлатларга сафарларни амалга ошириш.

Ҳозирги вақтда катта қизиқиш уйғотаётган **спорт туризмнинг** асосий мақсади туристларга ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишга имконият яратиб беришдан иборат. Спорт туризми зарурий база мавжудлигини талаб этади: турли инвентарларни, махсус трассаларни, арқон йўллар, спорт майдончаларини, асбоб-ускуналарни талаб этади. Спорт туризми бўйича саёҳатларга қўйиладиган асосий талаблардан бири бу дам олувчиларни хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Спорт туризмнинг саёҳатлари, сафарларнинг мақсадига боғлиқ равишда 2 турга бўлинади: актив ва пасив равишда бўлиши мумкин.

Диний туризм (religious or pilgrim tourism) зиёрат қилиш мақсаддаги саёҳат сифатида ҳозирги кунда жуда юқори талабга эга бўлиб, оммавий тус олмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар йили кўплаб ватандошларимиз Маккаю Мадинага ҳаж ва Умра сафарларини амалга оширмоқдалар. Дунёдаги кўпгина одамлар Маккаи Мукаррама, муқаддас ер бўлган, Ватикан ибодатхоналари ва бошқа жойларни зиёрат қилиш учун саёҳат

қилишади. Ўзбекистонда бундай муқаддас зиёрат қиладиган жойларга Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларимизда жойлашган тарихий ёдгорликлар мисол бўла олади. Айниқса, мусулмон олами учун кичик ҳаж ҳисобланган, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи диний туризмни ривожлантиришда муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Қўмсаиш, соғиниш туризми— бу асосан қариндош ёки дўстларини кўришга мўлжалланган бўлиб, ўз мамлакатларидан айрим сабабларга кўра кўчиб кетган кишилар билан боғлиқдир. Кўчиб кетганлар шартли равишда икки турга бўлинади:

- мажбурий кўчганлар, ўзларининг тарихий ерларини диний, ҳарбий ёки сиёсий сабабларига кўра ташлаб кетганлар.
- ўз хоҳишлари бўйича кўчганлар — яхши ҳаёт излаб ўз юртларини ташлаб кетганлар.

Мигрантлар — сайёрамизда кўпчиликни ташкил қилади. Аҳоли миграцияси иқтисодий, сиёсий ва диний омиллар таъсирида бўлади. Бунга мисол тариқасида, Собиқ Иттифок даврининг 1940 йилларида амалга оширилган мажбурий қатор миллатлар бўлган қрим-татарлар, Кавказ орти мамлакатлари фуқаролари, немислар, яҳудийлар, туркларнинг кўчиб келишлари ва ўз юртларига қайта кўчиб кетишларини келтириш мумкин.

Қўмсаиш туризмга яққол мисол бўлиб, Ўзбекистонда Собиқ иттифок даврида яшаган ва ҳозирги пайтда ҳам уларнинг қариндош уруғлари республикамизнинг турли шаҳарларида фаолият кўрсатиб келаётган қрим-татар, кавказ халқлари, немислар ва бошқа миллатга мансуб бўлган аҳолини кўрсатишимиз мумкин.

Экотуризм — табиий ҳудудларга масъулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза қилишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражсини яхшилайдди.

Экотуризм деганда, нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда бетакрор табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки, ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида

экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Овчилик туризми – Республикамизда ов қилишнинг ҳуқуқий-қонуний меъйёрлари яратилган бўлиб, овчиликнинг турли йўналишлари бўйича катта салоҳиятга эга бўлган табиий-ҳудудий минтақалари бўлган дарёларнинг сув ҳавзалари, тоғ олди зоналари, чўл ва адир ҳудудларининг мавжудлиги. Бунга мисол қилиб, Арнасой, Ҳайдаркўл, Тўдакўл, Шуркўл сув ҳавзалари; Устюрт платаси, Қизилқум, Конимехчўл зоналарини келтирсак бўлади.

Гастрономия туризми – бу мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиш ҳисобланиб, мақсади маҳаллий ошхона хусусиятлари билан танишиш ҳамда келган сайёҳларга антиқа таом ва маҳсулотлардан татиб кўришга имкон яратади. Гастрономик тур хизмат сифатида нафақат саёҳат қилиш бўлиб ҳисобланади, балки, дунёнинг бошқа бирор жойида такрорланмайдиган ва бетакрор таъмга эга бўлган масаллиқлардан таркиб топган маълум бир ҳудуддагина учровчи таомларни татиб кўришга қаратилган тадбирлар мажмуига киради.

Сафари туризми – кўриқхонага ҳайвонларни томоша қилиш учун сайр, овчилик, балиқ ови мақсадидаги саёҳат, фотоовчилик, табиатда ажойиб ҳайвонларни эркин ҳолда кўриш мақсадидаги сайрлар. Саёҳат дастурига нафақат маҳаллий жойларни кўриш, балки тоғли ҳудудда автомобил бошқариш, тўсиқларни енгиб ўтиш, лагер ҳаётига ўрганиш, фавқулодда вазиятларда яшаб кета олиш кабиларни ўргатади.

Ташкил этилган туризм – бу тур ташкилотлар томонидан ташкил этилаган алоҳида шахсларни ёки бир гуруҳ туристларнинг саёҳатидир. Ташкил этилган туристлар, туристик йўлланмани ҳарид қилиш йўли билан саёҳат ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бунда хизмат турлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, туристлар туристик йўлланмасиз борганда, хизматлар мажмуасини, яъни транспорт, овқатланиш, яшаш хизматлари учун курсовкани ҳарид қилиб олишлари мумкин.

1.3. Иштирок этувчилар сони бўйича

Гуруҳли (Group) ва якка ҳолда (индивидуал) (FIT) туризм. Туристик бизнесда профессионал (касб мутахассис)лар бир-бирларини ярим сўзда тушунадиган бир қатор атамалар мавжуд. “FIT” ва “GROUP” атамалари кўпроқ ишлатиладиган атамалар ҳисобланади. FIT аббревиатураси Foreign Independent Traveler маъносини англатади. Том маънода – хорижий мустақил саёҳатчи, русчада – якка турист деб аталади. У саёҳат маршрути ва графигини ўз хоҳишига қараб, ўзи белгилайди.

Якка турист турагентлик хизматидан фойдаланиши мумкин. Лекин, саёҳатни мустақил ташкил эта олиши ҳам мумкин. Масалан, Интернет орқали.

Отеллар, ресторанлар, транспорт ва бошқа корхоналар (етказиб берувчилар) ўз хизматларини ҳам якка – индивидуал туристлар, ҳам гуруҳли туристлар учун таклиф қиладилар. Якка индивидуал ҳолдаги саёҳат одатда гуруҳ саёҳатига қараганда қимматга тушади (бир туристга ҳисобланади).

Комплекс хизмат кўрсатиш (Package tour) гуруҳ туризми учун таклиф қилинган хизматларнинг асосий типи ҳисобланади. Турист турпакетни сотиб олади, унда тур қийматига қўшилган хизматлар тўплами қайд этилган. Одатда, турпакет қиймати тур пакетга кирган айрим хизматлар қиймати суммасидан пастроқ. Гуруҳ турпакети гуруҳ ваучери билан расмийлаштирилади. Гуруҳ туристлари унинг эвазига комплекс хизмат кўрсатишларни олади. Бунга авиаташиш, меҳмонхонага жойлашиш, ресторанда овқатланиш, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар қўшилган.

Турпакетга бутун маршрут бўйлаб гид-таржимон хизматлари ҳам киритилиши мумкин. Бу ёшлар ва мактаб гуруҳлари, шунингдек учинчи ёшдаги туристлар орасида айниқса машҳурдир. Профессионал (касбий) гид-таржимонлар экскурсиялар ўтказадилар. Улар туристлар борадиган йўл (маршрут) бўйича ахборотлар берадилар. Гуруҳга хизмат кўрсатишда барча ташкилий масалаларни ҳам ҳал этишда кўмаклашадилар. Гуруҳнинг барча аъзоларига ғамхўрлик ва эътибор кўрсатадилар. Гид – таржимонлар саёҳат чоғида туристлар кўрганларини тушунтирадилар, улар ҳақида айтиб берадилар.

Ҳаммаси қўшилган (All-inclusive) – жойлашиш хизматининг алоҳида тури бўлиб, айрим қиммат отеллар томонидан бутун ресторан – меҳмонхона хизматлари тўплами битта нархга қўшилгандир.

Айниқса VIP (very important person) мижозлар учун туристик комплекс хизмат таклиф қилиш алоҳида катта эътиборни талаб қилади. Бу юқори сервис даражаси (ва баланд нархни) ни тақозо этади. Бу масалан, аэропорт, чегара ва божхона расмийчиликларидан ўтиш бўйича, бўлиши мумкин. Алоҳида шинамхона, лимузинда трансфер ташриф буюриш, тантанали кутиб олиш, президент хонасига жойлаштириш, кутиб олиш ва маросимларни ташкил этиш ҳам шу хизматларга киради. Клубда дам олиш (Club holidays) алоҳида ташкилий таркибга таклиф қилинади. Қайсики у ўз ҳудудига ва жойлашиш воситаларига эга. Клуб мижозларининг кўнгил-очиш ва фаол дам олиши учун махсусланган.

1.4. Ташкилий шакллари бўйича

Ташкиллаштирилган туризм – туристик фирма томонидан якка-индивидуал ёки гуруҳ ҳолдаги туристларга ташкил қилинган саёҳат. Ташкиллаштирилган туристлар туроператор ёки унинг агентидан турли хизматлар тўплами билан турпакетларни сотиб олиш ҳуқуқини олади.

Туризмда ташкил этишнинг қарама-қарши усуллари бўйича уюштирилмаган ёки хусусий туризмни кўрсатиш мумкин. Хусусий саёҳат турагентликка мурожаат қилмасдан, бевосита етказиб берувчидан хизматларни сотиб олиш йўли билан мустақил равишда ташкил қилинади. Баъзан хусусий саёҳатни «Ўзбошимчалик» деб хато айтилади. Аммо бироқ «ўзбошимча туризм» жуда тор тушунча бўлиб, саёҳатдан ҳаракатланишнинг фаол усуллари (пиёда, велосипед) дан фойдаланилади.

Ташкиллаштирилмаган туризм. Бугунги кунда туристлар орасида оммалашиб бораётган туризмнинг ташкилий шаклларида бўлиб, якка ҳолда ёки гуруҳ шаклида туристик йўлланма харид қилмасдан саёҳатларни амалга ошириш ҳисобланади. Бундай саёҳатларни ривожланишида ҳозирда

мамлакатлар ўртасидаги маданий, иқтисодий ва савдо муносабатларининг мустаҳкамланиши ҳамда туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик шартномалари асос бўлиб хизмат қилмоқда. Электрон визалар (E-Visa) ва визасиз режимларнинг жорий қилиниши ташкиллаштирилмаган туризмнинг ривожланишида ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

1.5. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари

Туризмнинг актив ва пассив турларга бўлинишининг асосий мазмуни, одамларнинг туризм жараёнида ҳаракатланиши ва миждозларнинг турларини аниқлаш билан белгиланади.

Катта жисмоний куч талаб қилинадиган ва ҳамма туристлар сегментига ҳам тўғри келадиган туризмнинг **актив турларига** - дам олиш ва саёҳат, вақти чоғлик, спорт кабилар киради. Актив туризмга ҳар – хил саргузаштли саёҳатларни ҳам киритиш мумкин: саргузаштли туризм (adventure tourism), экзотик жойларга, вулқонларга, оролларга, шаршараларга ва шу каби жойларга боришга айтилади. Одатда бу экзотик ва экологик жиҳатдан тоза табиий ҳудудлар, ғарб саёҳатлари, ноанъанавий транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган, бирон-бир қолипга тушмаган туризмдир. Баъзи ҳолатларда бу хилдаги туризм жиддий жисмоний зуриқишлар (extreme tour) билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун туристлардан мустаҳкам соғлиқ ва довюраклик талаб қилинади. Масалан, Колорадининг тошқин дарёларида қайиқларда сайр қилиш, Шимолдаги мамлакатларда итлар тортадиган чаналарда ва тоғ-чанғи курортларидаги дам олиш ва бошқалар шулар жумласига киради. Уларда қатнашиш учун туристлар олдиндан маълум кўникмага ва жисмоний тайёргарликка эга бўлишлари керак.

Туризмнинг пассив турига туристик сайёҳликнинг тинчроқ ва кам куч сарф қилинадиган, жисмоний зўриқишга хос бўлмаган тури киради. Бу тур бир маромида дам олишга мослашган шахсларга мўлжалланган, танишиш туризми ҳисобланади. Бундай турдаги туризм кўпроқ ёш фарзандли оилаларга, катта ёшдаги туристларга ва нафақахўрларга тегишлидир.

II-БОБ. ТУРИЗМДА ЎЗИГА ХОС ТУРЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИ

2.1. Таълим туризми

Антик даврдан бошлаб саёҳатнинг мотивларидан бири таълим бўлган. Қадимги грек олимлари ва римлик аристократлар янги майдонларни, ҳудудларни ўрганиш мақсадида узоқ саёҳатларга чиққанлар.

Ўрта асрларда Италия ўқув марказлари ва Жанубий Европанинг ёдгорликлари дунёда энг машҳур бўлган. Ренессанс даврига келиб таълим мақсадидаги сафарлар кучаяди. Ж.Ж. Руссо ва Ж.Лок саёҳатни тарбиянинг таркибий қисмларидан бири сифатида қараганлар.

XVIII аср охирларида Англияда “гран-турлар” номли сафарлар тарқалган бўлиб, асосан молиявий жиҳатдан имконияти бўлган ёшлар таълим олиш мақсадида Европага сафарга чиққанлар. Бу эса таълим туризмнинг илк кўринишлари бўлган.

Россияда таълим саёҳатлари Пётр I даврларида анъанага айланган. Давлат ва хусусий таълим муассасаларнинг битирувчилари ўзларининг билимларини ошириш ва бошқа мамлакатларнинг тарихий ва замонавий маданиятларини ўрганиш мақсадида чет элларга борганлар.

Россия Федерациясида таълим туризмини ташкиллаштиришнинг бошланиши 1777 йилларни ўз ичига қамраб олиб, ўша йили Вениамин Геншнинг “Ўзга юртларга саёҳатларни ташкиллаштириш режаси” номли қўлланмаси нашрдан чиққан⁴. Бу “Режа” ўз ичига университетлар билан танишувларни амалга оширишга қаратилган бўлган.

XIX аср ва XX аср бошларида Россияда экскурсия-таълим саёҳати таълим туризмнинг кенг тарқалган туридан бири бўлиб, туристик хизматлар, туристларни маънавий, эстетик, информацион талабларини қониқтириш; диққатга сазовор объектлар ва маҳаллий жойларни зиёрат қилишнинг тематик маршрутларини ўз ичига қамраб олади⁵.

⁴ Воронкова Л.П. История туризма: Учебное пособие. – М., 2001. –С.203.

⁵ Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. – М., 2003. –С.335.

Миллат ва халқнинг мулки бўлмиш кўпсонли илмий изланишлар, кузатувлар, адабиётлар, географик ва тарихий материаллар, ҳисоботлар ва кундаликлари географлар, тарихчилар, денгизчилар, тадқиқотчилар томонидан тўпланганлиги таълим туризмнинг ривожланишига асос бўлган⁶.

XIX аср ва XX аср бошларида Россияда таълим туризми, биринчи навбатда, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун йўналтирилган бўлиб, улар учун турли хил экскурсия дастурлар ташкиллаштириб ўтказар эди.

XIX асрга келиб, Россияда таълим туризми анча аниқ ташкилий шаклда амалга ошириладиган бўлди. Россияда таълим туризмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида биринчи туристик ташкилотларнинг пайдо бўлиши асосий рол ўйнади. XIX асрда саёҳатни ёқтирувчилар учун турли хил ташкилотлар ва бирлашмалар ташкиллаштириб, улар нафақат ўлкаларни ўрганиш, балки таълим сафарлари ва экскурсияларни ташкиллаштиришга ҳам йўналтирилган эди.

XX асрнинг 90 йилларининг ўрталаридан бошлаб, хорижда таълим туризми хизматларига бўлган талабнинг ўсиш суръатлари намоён бўла бошлади. Мамлакатда содир бўлаётган умум - иқтисодий жараёнлар борган сари таълимга бўлган талабнинг тузилишига ўз таъсирини ўтказиб уни модернизациялашувини талаб қилди. Натижада хорижий мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг бозор тизимига ўтиши, иқтисодиёт ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликнинг кучайиши мамлакат аҳолисидан хорижий тилларни ва бозор иқтисодиёти асосларини ўрганишни талаб этди ҳамда чет элда таълим олишни истаганлар сони ўса бошлади. Шунинг учун ҳам туристик бозорнинг бу сегментининг салоҳияти йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Таълим туризми ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларнинг асосий фойда келтирувчи манбаларидан бирига айланди. Дастлаб чет эл мамлакатларида таълим туризмнинг субъектларининг асосий қисмини талабалар ташкил қилган. Уларнинг саёҳатдан асосий мақсади таътил

⁶ Квартальнов В.А., Федорченко В.К. Туризм социальный: история и современность: Учебное пособие. – Киев, 1989. –С.11.

пайтларида чет элдаги қадимий обидалар билан танишиш, кўплаб янги билимларга эга бўлиш бўлган.

Европа Иттифоқи ва АҚШ мамлакатларида таълим туризми ҳозирги замонавий таълимнинг асосий ажралмас қисми ҳисобланади. Хитойда эса бунинг тескараси. Чунки Хитойда таълим туризмнинг кириб келиши Ғарб давлатларига нисбатан анча кеч бошланган. Хитойда 1989 йили биринчи таълим экскурсияси Конфесес шаҳарчасида қилинган саёҳатдан бошланган ва бу саёҳатда кўплаб туристлар чет эл меҳмонлари бўлган. Шу даврдан бошлаб Хитойда таълим туризми жадаллик билан ўзининг қиёфасини шакллантира бошлади.

Хитой майдони ва маданияти жиҳатидан кенг камровли мамлакат бўлиб, жаҳон бозорига жадаллик билан кириб келиши кўплаб чет эл туристларни Хитой мамлакатини танлашга сабабчи бўлади. Бир вақтнинг ўзида кирувчи ва чикувчи туристларнинг сонини кўпайишига эришилди. Янги ёш авлодлар орасида тилни ўрганиш бўйича саёҳатлар бошқа миллатларнинг маданиятини ўрганиш юқори талабга эга бўлмоқда.

Хитой халқаро саёҳат агентлигини мисол қилиб оламиз. Таълим туризми йўналиши бўйича кирувчи туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилот Хитой мамлакатининг миллий маршрути ҳисобланади. Хитой халқаро саёҳат агентлиги ўзининг қуйидаги мамлакатлардан меҳмонларни жалб қилади: Италия, Германия, Австрия, Буюк Британия ва Япония. Ўтган йили 205 тага яқин таълим туризми йўналишидаги гуруҳларни, шунингдек 40 мингдан ортиқ Япония мамлакати талабаларини Хитой мамлакати ўз бағрига чорлади. Йиллар давомида Хитой мамлакати япониялик таълим туристлари учун асосий манзилгоҳга айланди ва шулардан Веддинг шаҳрининг улуши қарийб 85%ни ташкил этади. Маълумотларга қараганда Япония талабалари учун Веддинг шаҳрида 104 та таълим муассасалари очилди. Булар таркибига қуйидагилар киради:

- Олий таълим муассалалари
- махсуслаштирилган мактаблар

- университет ва институтлар ва бошқа мисолларни келтирсак бўлади.

Шуни таъкидлаш жойизки, япониялик талабалар, илмий тадқиқотчилар ва бошқа таълим туризмидаги иштирокчилар маҳаллий аҳоли билан яшаши, уларни маданияти билан танишиши, урф-одат анъаналари ҳақида тушунчага эга бўлиши, умуман олганда яратилган шароитларни кўради, кўз билан кўради, юзма-юз бўлади.

Таълим туризми хизматлари натижасида эгалланган билимлар ва халқаро стандарт асосида таълим бериш лаёқати тўғрисида ҳужжат ёки гувоҳномага эга бўлиш таълим туризми хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар учун мижозларнинг ишончини мустаҳкамлайди ҳамда келажакда юқори даромадларга эга бўлиш кафолатини беради.

Юқорида номлари зикр этилган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таълим туризми хизматларини кўрсатишга ихтисослашган компанияларни уч гуруҳга ажратиш мумкин, яъни:

Биринчи гуруҳга - дам олиш билан бир қаторда чет тилининг базавий курсларини ўргатишни таклиф қилувчи фирмалар (масалан, «Буюк Британияда инглиз тили»).

Иккинчи гуруҳга - асосан тил ўргатишга ихтисослашган саёҳатларни таклиф қилувчи фирмалар (Language Travel Market мисолида). Бу фирмалар индивидуал ҳамда гуруҳий дастурларни таклиф қилади. Шу билан бирга Business Language, тил+хобби, академик мақсадлар учун тил ўрганиш каби таклифларни инъом этади.

Учинчи гуруҳга - хорижда таълим олиш борасида маслаҳат берувчи компаниялар (масалан, Educational Consultancy) бўлиб, мижозларга мутахассислик ва касб-ҳунар борасида ўз мавқеларини юксалтиришга ёрдам беради. Бундай агентликлар сони чегараланган бўлиб, уларнинг таклифлари фақат юқори савиядаги харидорлар учун мўлжалланган. Яъни бу маслаҳатчилар мижознинг келажакдаги режасига мос равишда хорижда мавжуд таълим масканларни танлаш учун кўмаклашадилар.

Юқорида таъкид этилганидек, таълим туризмини мавсумийликка мойиллиги кучли бўлиб, оддий ўқув календарига (йилномасини) боғлиқ бўлади. “Энг юқори” давр мактаб ва талабалар таътилларига ҳамда Европа ўқув йилининг бошланиши (сентябр-октябр ойлари)га тўғри келади. Таълим туризми дастурларини сотиш “энг юқори” даврнинг бошланишидан 2-3 ой олдин амалга оширилади ва мижозларнинг 70% и Буюк Британиянинг классик таълим марказларига, 30 % и Германия, Мальта, Австралия, Канада, Франция, Янги Зеландия, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг ўқув муассасаларига йўналтирилади.


Чет эллик талабалар ўртасида бизнес, ахборот технологиялари, муҳандислик иши каби йўналишлар катта талабга эга. Кўпчилик маҳаллий аҳоли учун чет элда таълим олиш тил ўрганишдан бошланади. Хорижий тилларни ўргатувчи курслар чет элда таълим олишнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Кейинги ўринни эса машҳурлик тоифасида ўрта маълумот ва университетга тайёргарлик курслари эгаллайди. Учинчи ва тўртинчи ўринларда, мос равишда университетларда олий маълумот ва магистрлик даражасини олиш, малака ошириш эгаллайди.

Таълим туризмида ўқишдан ташқари вақтни ташкил этиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Кўпчилик мактаблар талабаларга қўшимча ҳақ эвазига экскурсиялар, музейлар ва театрларга сайр қилиш таклиф этилади.

Турфирмалар томонидан таклиф этилаётган тил ўрганиш дастурлари орасидан Embassy CES⁷ (Буюк Британиянинг ёзги тил ўрганиш марказларида инглиз тилини ўрганиш) алоҳида ажралиб туради. Бу дастур тўлиқ пансион шароитида оилада яшаш, ҳафтада 20 соатлик ўқитиш, тур қийматига суғурта, трансфер, визаларни киритмаган ҳолда ўқув материаллар ва ўқишдан ташқари кўнгил очар дастурларни таклиф қилади. Бу дастур қатнашувчилари 8-11 ёшдан то 18-25 ёшгача бўлганларни ташкил этади.

⁷ Курсы по английскому языку (электрон ресурс) / электрон манзил: <http://www.embassyces.com>

Regent language training⁸ (Маргейт, Эдинбург, Оксфорд, Брайтон, Лондонда жойлашган марказлар бўлиб) дастури ёшларга мўлжалланган бўлиб, (16 ёшдан юқори) – оилада яшаш шарти билан, ўқиш жараёни тугагандан сўнг эса сертификат билан тақдирлашни назарда тутди.



2-расм. Хорижий тилни ўрганаётган талабаларнинг регионлар бўйича тақсимланиши (фоизда)⁹

Саёҳатларнинг оммабоплиги жиҳатидан таълим туризмида Буюк Британиядан кейин иккинчи ўринда Ирландия туради. Унинг бундай хусусиятга эга бўлиши Ирландияда инглиз тили тўғри ва равиолиги билан характерланади. Бу ерда юзга яқин инглиз тили мактаблари мавжуд бўлиб, улар асосан кичик оилавий мактаблардан иборат, аммо университетлар қошидаги мактаблар ҳам мавжуд. Барча мактаблар хусусий бўлсада улар мажбурий тартибда миллий таълим департаментининг акредитациясидан ўтишлари шарт. Бундай тил мактабларининг кўпчилиги REISA¹⁰ (Recognizing English language Schools Association), ассоциацияга аъзодирлар, уларнинг катта қисми мамлакатнинг йирик шаҳарларида ва Дублинда жойлашган.

⁸ Regent Language Training (электрон ресурс) / электрон манзил: www.victoriaschool.co.uk

⁹ Studentmarketing 2015. http://cf.cdn.unwto.org/sites/all/files/pdf/3.3_s3_wtc_2016_david_chapman.pdf

¹⁰ Recognised English Language Schools Association of Ireland (электрон ресурс) / электрон манзил: <http://www.witslanguageschool.com>

Хорижий мамлакатларда таълим олиш мутахассисларнинг фикрига кўра, бундан буён ҳам ўсиб бориш тенденциясини касб этади.

Аммо халқаро таълим туризми индустрияси субъектларининг унсурларини рационализация ва такомиллаштириш муаммоси тадқиқотимизда халқаро туризм бозорини ижтимоий – иқтисодий табиатан асослашни босқичма – босқич ўрганишни тақозо қилади.

Тадқиқотлар ҳар қандай халқаро таълим дастури маҳаллий таълим хизматларига кўра мураккаб тузилишга эга эканлигидан далолат беради. Бу эса қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, у муайян олинган ҳар хил мамлакатда бир нечта таълим муассасаларининг ҳисобига ташкил топади ва реализация қилинади;

Иккинчидан, унинг таркибида меҳмондорчилик ва академик компонентлар иштирок этади, улар оқибатда ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда низолар келиб чиқади.

Учинчидан эски таълим даражаси, бошқа мамлакат таълим туризми харажатлари таққосланилганда унда мавжуд дастурлар ўз сифат кўрсаткичларни йўқотиш, ҳамда таълим ҳолатини аккредитация даражасига олиб келиб қўйиш мумкин.

Тадқиқот давомида халқаро таълим туризми индустриясини ривожланиш учун туртки бўладиган бир қатор омиллар аниқланди. Бу омилларни бир гуруҳга тўплаганимизда қуйидагилар ҳосил бўлади:

- Ижтимоий омиллар;
- Технологик омиллар;
- Иқтисодий омиллар;
- Сиёсий омиллар;
- Ҳуқуқий омиллар.

Бу омилларни тадқиқот жараёнида бирма – бир таҳлил қилиб чиқиш лозим. Таълим туризми хизматларини ўзига хос хусусиятларини шаклланишида юқорида таъкид этилган омиллар бевосита таъсирга эга ва детерминантлик вазифасини бажарса, бошқа томондан халқаро тажрибада таълим туризминини

ҳолатига, уни рағбатлантирувчи стимуллари аниқлашимиз мумкин. Бундай ҳулоса келажакда мамлакатимизда таълим туризми хизматлари бозорини ривожлантиришда бир қатор имкониятларни очиб берувчи муҳим дастаклардан ҳисобланади.

2.2. Волонтёрлик туризми


Волонтёрлик туризми. Бугунги кунда туризм соҳасининг ривожланиши унинг кўлами ва турининг кўпайишига ва ривожланишига олиб келди. Туризмнинг таълим, дам олиш, маданий каби анъанавий турлари билан бир қаторда экстремал туризм, волонтёрлик туризми каби турлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумий ассамблеясида “Волонтёрлик – бу қашшоқликни камайтириш, барқарор ривожланиш, соғлиқ, таълим, ёшлар имкониятлари, иқлим ўзгариши, офатлар хавфини камайтириш, ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий ёрдам, тинчликни сақлаш ва айниқса ижтимоий ажратиш ва дискриминация билан курашиш каби исталган соҳада стратегияларнинг муҳим компоненти”¹¹ сифатида расмий тасдиқланган. Волонтёрлик “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га эришишда муҳим ҳисобланади. Агарда халқаро ёшлар саёҳати ва волонтёрлик тўғри бирлаштирилиб, бошқарилса, иштирок этувчилар учун ҳар тонолама манфаатли бўлиши мумкин: давлат вазирликлари ёки маҳаллий ижтимоий гуруҳлар каби миллий ва халқаро ташкилотлардан тортиб, дастурни амалга оширишдан манфаатдор жамиятгача. Волонтёрлар учун эса ҳаётини ўзгартирадиган тажрибага ва глобал миқёсида ахлоқий нуқтаи назарга эга бўлишади. GVI (Global Vision International) ташкилоти 1997-йилда ташкил этилган бўлиб, волонтёрлик фаолияти билан шуғилланади. Ташкилот бутун фаолияти давомида 70 дан ортиқ мамлакатлардан 25000дан ортиқ дастур қатнашувчиларига эга бўлди. Мисол учун, GVI жамоасининг Фижидаги фаолияти қуйидаги натижаларга эришди:

¹¹A/RES/67/138

- 500 дан ортиқ волонтерлар;
- 5та орол ва 10 қишлоқларда 500 000 литрдан ортиқ ҳажмда сув ўтказилди.
- 28 нафар маҳаллий балиқчилик назоратчилари қайта тайёрланди.
- 10 қишлоқларда барқарор ривожланиш дастурлари қабул қилинди. ва бошқалар.

Иқтисодчиларнинг таъкидлашларича, бутун дунё бўйлаб ҳар йили 971 миллион одамлар тўғридан-тўғри ёки билвосита волонтерлик фаолияти билан шуғулланадилар. Волонтерларни бир мамлакат аҳолиси сифатида қарайдиган бўлсак, улар Хитойдан сўнг иккинчи ўринни эгаллашган бўларди. Ёшлар орасида эса волонтерлик мақсадида саёҳат қилувчилар сони халқаро ёшлар саёҳатларининг 2% - 5% ини ёки 4-10 миллион кишини ташкил этади (2-расм).



Source: New Horizons III, WYSE Travel Confederation, 2013

3-расм. Ёшлар саёҳатларининг мақсади

Волонтерлик саёҳатининг ижобий жиҳатларини шунда кўришимиз мумкинки, унда ҳам волонтерлик лойиҳаси, ҳам маҳаллий аҳоли учун ижобий жиҳатларга эга. Аммо унинг баъзи салбий томонларини ҳам инкор этиб бўлмайди. WYSE TC (Халқаро ёш талабалар таълими саёҳати конфедерацияси) ташкилоти тадқиқотчиларнинг фикрича, волонтерлик туризми:

- Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDG – sustainable development goals)га эришишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади; (2-жадвал)
- туризмни тўғридан-тўғри маҳаллий иқтисодиётга фойдасини таъминлайди; маданий ўзаро манфаатли алмашинув учун асос яратади.

Ёш саёҳатчи волонтерлиги маҳаллий аҳолига ижобий таъсирга эга, айти дамда валантерлар ўзларининг профессионал билими ва тил билиш даражасини ошириш имкониятини қадрлайдилар.

Ёшлар саёҳати конфедерацияси (WYSE TC) нинг изланишларига кўра, волонтерликни қабул қилувчи маҳаллий аҳолига иш куни ва ҳудуд иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшади. Мисол учун, волонтер саёҳатчиларнинг ўртача саёҳат кунлари 69 кундан иборат бўлиб, уларнинг ўртача киши бошига харажатлари 3 400 еврини ташкил қилади.



4-расм. Туристларнинг саёҳат мақсадига кўра ўртача харажатлари

Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги 2008 йилдан буён ёш ўсмирлар учун волонтерлик хизматларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бу қўллаш бир қанча вазифаларга боғлиқ: қатнашувчи ташкилотлар ўзларини кенг қамровли сертификатлаши талаб қилинади ва валантерлик унга тайёрланиш ва олиб бориш минимум 25 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.¹²

¹²The Development from Volunteering to Voluntourism

Бирлашган миллатлар ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадлари

	Қашшоқликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш
	Очарчиликни тугатиш, озиқ-овқат хавфсизлигига ва тўйимли овқатланишга эришиш ҳамда барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш
	Барча учун соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаётга эришиш
	Барча учун инклюзив ва юқори сифатли таълим олишни кафолатлаш ҳамда давомли ўқиш имкониятларини таъминлаш
	Гендер тенгликка эришиш ва барча аёллар&қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
	Барча учун барқарор тоза ичимлик суви ва санитария шароитларини таъминлаш
	Барча учун етарли даражада ишончли, барқарор ва замонавий энергияни таъминлаш.
	Барча учун барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишни, тўла ва маҳсулли бандликни ва талабларга мос ишни таъминлаш
	Мослашувчан инфраструктура, инклюзив ва барқарор индустрия ва замонавий инновацияни таъминлаш
	Мамлакатда ва мамлакатлараро тенгсизликни камайтириш
	Шаҳарларни ва аҳоли яшаш жойларини инклюзив, хавфсиз, барқарор ва мослашувчанлигини таъминлаш
	Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқаришни таъминлаш
	Иқлим ўзгариши ва унинг таъсирига қарши муҳим чора тадбирларни амалга ошириш
	Барқарор ривожланиш учун океан, дарё ва денгиз манбаларини барқарор ишлатиш ва асраш
	Ер шари экосистемасидан, ўрмонларни асраш, авайлаш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлаш
	Барқарор ривожланиш учун тинч ва осуда жамиятни таъминлаш
	Барқарор ривожланиш дастурини амалга ошириш воситаларини такомиллаштириш ва глобал ҳамкорликни қайта тиклаш

Волонтёрлик туризмнинг концепцияси – бир неча йиллар давомида йиғилган ажойиб саргузашлилик ва тажриба асосидаги қисқа муддатли волонтёрлик хизмати, таътил давомида спонтан ёрдам бериш; интернет ёки саёҳат каталогида топшиш мумкин бўлган бир ойдан уч ойгача бўлган дастурга қўшилиш. Америка, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларда волонтёрлик туризми машҳур ҳисобланади; Европа мамлакатларида эса бу туризм тури эндигина ривожланиб келмоқда¹³.

Ўзбекистонда энг кенг тарқалган волонтёрлик дастурларидан бири БМТнинг United Nations Development Project (Бирлашган миллатлар ташкилотининг ривожланиш дастури) дастуридир. Дастурнинг мақсади: узоқ тарихга эга анъаналарга асосланган ҳолда жамиятда ижтимоий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашдир.

2.3. Велотуризм

Бугунги кунда халқаро туристлар турли мақсадларда саёҳат қилаётган бўлиб, уларнинг 53 фоизи дам олиш, рекреация ва таътил мақсадида, 27 фоизи соғлиғини тиклаш, диний, дўстлар ва қариндошларникига ташриф, 13 фоизи иш ва касбий мақсадларда, 7 фоизи аниқ белгиланмаган мақсадларда саёҳат қилишмоқда ва улар ўз саёҳатлари давомида актив туризм турларидан баҳраманд бўлишни хоҳлашмоқда.

Актив туризм турларидан бири бўлган велотуризм ҳозирда кўпчилик туристлар таркибини қизиқтириб, уларни ўз доирасига бирлаштирмоқда. Ушбу турнинг асосий элементи ҳисобланган велосипедда ҳаракатланиш эса спорт, рекреация, мароқли дам олиш ва туризм фаолиятининг энг барқарор шаклларида биридир.


Бугун велотуризм туризм хизматлар бозорининг кескин суръатларда ривожланаётган актив туридан бири саналади. **Велотуризм (велосипед туризми)** – туризмнинг бир тури бўлиб, бунда ҳаракатланишнинг асоси ва бирдан-бир манбаси бўлиб велосипедлар хизмат қилади. Велотуризм кўп

¹³ www.fairtrade.travel/content/page/certification-standards1, 30/12/2014

қиррали тушунча бўлиб, бу тур нафақат актив дам олиш, балки спорт машғулотларидан ажралмаган ҳолда туристик фаолият билан шуғулланишнинг қулай ва самарали усулидир. Актив дам олиш турлари орасида велотуризм ўзининг ҳаракатланиш тезлиги ва маршрут узунлиги билан етакчилик қилади. Бундан ташқари бу туризм тури туристларни ёш жиҳатдан категорияларига ажратмайди. Бу турдан ёшлар билан бир қаторда ёши катталар ҳам соғлиғини тиклаш, тоза ҳавода сайр қилиш, хордиқ чиқариш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Велотуризм саёҳатчиларга ажойиб пейзажлардан йўл-йўлакай баҳраманд бўлиб ўтиш, шу билан биргаликда саёҳат давомидаги вақтни спорт машғулоти билан ўтказиш имкониятини беради. Шунинг учун велосипеддан нафақат узоқ масофаларни яқин қилишда, балки туризмни ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ушбу турнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дунёни велосипедда айланиб чиққан илк саёҳатчи Томас Стивенс ҳисобланиб, у ушбу мураккаб саёҳатни 1884-1887 йиллар оралиғида амалга оширган. Қизиқарли томони шундаки, у саёҳатида велосипедларнинг эски конструкцияларидан бири бўлмиш, ҳаракатланиш жуда қийин бўлган – олд ғилдираки катта велосипеддан фойдаланган (8-расм). Шунингдек, у пайтда велосипедларда шина мавжуд бўлмаган.

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда велотуризм учун деярли барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, жумладан, GPS навигаторлар, махсус йўлаклар, велосипедлар, велорюкзаклар, велосумкалар, тунаш жойлари ва бошқа зарурий элементлар мавжуд. Тур учун асосий инфратузилмалардан бири бўлмиш велойўлакларнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда. Мисол учун, Польшада кечқурун мовий нур таратадиган велойўлаклар мавжуд бўлиб, улар кун бўйи қуёш нурларидан энергия олади ва 10 соатгача велойўлакларни ёритиб туради.



**8-расм. Томас Стивенснинг велосипедда дунё бўйлаб қилган
саёҳатининг харитаси**

Велотуризм учун энг муҳим элементлардан яна бири, бу велотуристлар учун махсус меҳмонхоналар ҳисобланади. Бундай меҳмонхоналар 1 тадан 5 тагача велосипедлар билан баҳоланиб, велосипедлар сони ошиши билан ундаги хизмат сифати, қулайликлар ошаверади (9-расм).

Ҳозирги кунда велотуристлар учун дунё бўйича юздан ортиқ бир-биридан ажойиб веломаршрутлар ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг ҳаммасидан фойдаланишнинг иложи йўқ. Қуйида ҳудудларда ишлаб чиқилган ва ер юзида тан олинган 10 та энг зўр веломаршрутлар келтирилган:

1. Уайт ороли, Англия;
2. Прованс, Франция;
3. Тасмания, Австралия;
4. Сан-Хуан ороллари, АҚШ;
5. Миллий шоссе №1, Вьетнам;
6. Клер Графлиги, Ирландия;
7. Ла-Фарола, Куба;
8. Кейп-Бретон ороли, Канада;
9. Фриули-Венеция-Джулия, Италия;
10. Отага яриморолли, Янги Зеландия.



9-расм. Велотуристлар учун махсус меҳмонхоналар даражалари белгиси

Велотуристларга сифатли хизмат кўрсатиш туризм бозорида халқаро рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради. Шунинг учун велотуризм сустривожланган мамлакатлар ушбу туризм тури ривожланган давлатларнинг (Германия, Австрия, Канада, Австралия, Буюк Британия, Дания, Финландия, Нидерландия, Швецария) амалиётлари ва тажрибаларини ўрганишмоқда.

Австрияда велотуристларнинг маълумот олишлари жуда осон бўлиб, ҳам миллий ҳам ҳудудий даражада юқори ташкиллаштирилган. Велойўллар бўйича миллий туризм порталида (<http://www.austria.info/>) бутун мамлакат велотурлар бўйича маълумотлар (www.radtouren.at.) берилади.

Буюк Британияда 2012 йилда 149 миллион кунлик ва 1,23 миллион бир кундан ортиқ бўлган кичик велосипефарлар амалга оширилган бўлиб, булар мамлакат иқтисодиётига мос равишда 1,83 миллиард ва 0,41 миллиард фунт стерлингга даромад келтирган. Шунингдек, Шотландияда хордиқ чиқариш учун велосипед ҳайдовчилари умумий велосипед ҳайдовчиларнинг 45 фоизини ташкил этади.

Италияда велотуризм учун иккита ассоциация шакллантирилган: Италия Велосипед Меҳмонхоналар консорсиуми (The Italy Bike Hotels consortium) ва Яшил Италия консорсиуми қошида Трек&Велосипед Меҳмонхоналар бренди ҳисобланади (The Trek&Bike Hotels Brand).

Данияда велосипедда ҳаракатланишнинг аҳамиятини кўрсатувчи фактлар:

- ўртача олиб қаралганда, ҳар бир даниялик кунига 1,5 км масофани велосипедда босиб ўтади;
- 2013 йилда данияда 500 000 велосипед сотилган;
- копенгагенда ишга ва ўқишга қатнайдиган данияликларнинг 45% велосипедда ҳаракатланадилар;
- аҳолисининг 10 тадан 9 тасида шахсий велосипеди мавжуд;
- мамлакатда тахминан 300 та велосипед ҳайдовчилари учун клублар мавжуд.

Германияда Велосипед Ҳайдовчилари Ассоциацияси (The German Cyclist's Association) мавжуд бўлиб, ушбу ташкилотнинг берган маълумотларига кўра, сўнгги йилларда мамлакатда велосипедда ҳаракатланиш 11% га ошган. 2015 йилда германияликларнинг 25 % ўз саёҳатлари давомида велосипедлардан фойдаланганлар.

Словениянинг кўплаб ҳудудлари велотуризм учун ихтисослашган. Триглав миллий парки атрофлари, Похорже ҳудуди, Нотранжска парки, Словения қирғоқ бўйлари, Идрижско, Керклжанско, Короўка ҳудудлари, Словениянинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий ҳудудлари велотуризм ривожланган марказлардандир.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда велоспортга ва велосипеддан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг 21 декабр куни пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган «Халқаро велосипедчилар иттифоқи» (UCI) Президенти Давид Лаппартъен ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси (АСС) Президенти Усама Аҳмад Абдуллоҳ Аш-Шафар бошчилигидаги делегация ҳамда «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси», Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раҳбарлари ўртасидаги расмий учрашув бу йўналишга қўйилган илк қадамлардан бўлди.

Учрашувда томонлар ушбу спорт турини юртимизда янада ривожлантириш, бунга ёшларни оммавий жалб қилиш орқали етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг иқтидори ва қобилиятларини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси» ва «Халқаро велосипедчилар Иттифоқи» ўртасида ҳамкорликдаги лойиҳаларни кенгайтириш ва уларни амалга оширишга доир ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, учрашув давомида 2019 йилда шоссе йўналиши бўйича Осиё чемпионатини ўтказиш, Президентимизнинг «Чорвоқ» эркин туристик зонасини яратиш тўғрисидаги қарорига асосан «Tour de Charwak Lake» халқаро велопойгаси ўтказилиши каби масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўз навбатида, Халқаро велосипедчилар иттифоқи ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси қайтадан ташкил қилинган Tashkent City минтақавий велосипед клубининг турли халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш ва амалий ёрдам беришни қўшимча қилишди.



10-расм. (ACC) Президенти Усама Аҳмад Абдуллоҳ Аш-Шафар ва (UCI) Президенти Давид Лаппартъен

Шунингдек, «2019 Asian Road & Para Cycling Championships» велоспорт-шоссе йўналиши бўйича катталар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган Чемпионат 2019 йил март ойида тарихда илк бора Ўзбекистон Республикасида ўтказилади.

2018 йил 18 февралда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) Конгресси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 12 давлат Федерациялари раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишда «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси» Осиё чемпионатини ўтказишга номзод сифатида киритилди. Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) очик йиғилишида 34 мамлакат делегатлари иштирокида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси велоспорт-шоссе йўналиши бўйича катталар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган «2019 Asian Road & Para Cycling Championships» чемпионати мезбони деб эълон қилинди. Шу ўринда Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳри навбатдаги Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) Конгресси ўтказиладиган шаҳар деб белгиланди. Чемпионатнинг 2019 йил март ойида Ўзбекистон Республикасида ўтказилиши, 2020 йил Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига қатнашишида терма жамоамиз учун муҳим бўлган рейтинг очколарни беради.

Бизга маълумки, мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристларнинг ёши асосан 55 ёшдан ошган ва уларнинг кўпчилиги тарихий-маданий туризм ихлосмандлари ҳисобланадилар. Велотуризмни ривожлантириш орқали биз нафақат туристлар учун янги йўналишни очамиз, балки ватанимизга ташриф буюрувчи ёшлар сонининг ошишига ҳам йўл очган бўламиз. Чунки, бугунги кунда айнан актив туризм турлари ёшлар орасида оммабоп турлардан саналади.

Мамлакатимизда ҳам ушбу туризм турини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Самарқанд шаҳри мисолида олиб қарайдиган бўлсак, велотурларни ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилган. Шаҳарнинг марказий қисми, Мустақиллик кўчасида велосипедларни ижарага бериш хизмати (rent a bike) мавжуд бўлиб, хизматдан ҳозирда асосан ёшлар фойдаланишмоқда. Тур

давомида улар Мустақиллик кўчаси, Алишер Навоий номли истироҳат боғи ва Ёшлар маркази хилбояни атрофи бўйлаб велосипедда ҳаракатланмоқдалар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам ушбу туризм турини ривожлантириш учун етарли даражада имкониятлар мавжуд. Фақатгина бунинг учун асосий инфратузилма ҳисобланмиш велоўлакларни шакллантириш, туристлар учун қизиқарли ва такрорланмас веломаршрутлар ишлаб чиқиш керак. Шунингдек, велотуризмнинг асосий объекти ҳисобланмиш велосипедлар, уларни ижарага бериш шаҳобчалари, велотуристлар учун йўл бўйларида кичик ва арзон меҳмонхоналарни ташкил этиш ҳамда велотуристларга ахборот берувчи марказлар фаолиятини ривожлантириш зарурдир.

2.4. Фитнес туризм

Фитнес туризм бугунги кунда туризм турлари орасида энг тез суръатларда ўсиб бораётган, кўплаб мухлисларга эга бўлган туризм йўналишлардан бири саналади. World Travel Guidening қилган башоратига кўра, фитнес туризм яқин орада шиддат билан ривожланади.

Ҳозирда кўпчилик инсонлардаги мавжуд муаммолардан саналмиш ишдан чарчаб келиш, руҳий толиқиш, стресс, жисмоний қуввацизлик, нотўғри овқатланиш, организмнинг тетик ҳолатда ишлаши учун кишиларнинг вақт ажратмаслиги ва эътиборсизлиги инсонлар саломатлигида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда ва буларнинг барчаси фитнес туризмга бўлган талабни оширмоқда.

“Фитнес” сўзи инглизча “to fit” феълидан келиб чиққан бўлиб, “мос келмоқ”, “жисмоний формада бўлмоқ” деган маънони англатади. Кенг маънода эса фитнес инсон организмнинг тўлиқ жисмоний тайёргарлиги саналади. Айнан бугунги кунда кўплаб туристлар соғлом ҳаёт тарзига ўтиш, жисмоний формага кириш, ортиқча вазндан холос бўлиш ва шу билан бирга саёҳатлари давомида жисмоний чиниқиш учун махсус ишлаб чиқилган фитнес турлардан

фойдаланишмоқда. Фитнес турлар дам олиш, гўзалликка интилувчи туристлар таркиби учун ишлаб чиқилган махсус дастурлар саналади. Фитнес турлар оддий дам олишлардан анчагина фарқ қилган ҳолатда, стандарт хизматлар тўплами билан бирга профессионал фитнес инструктор хизматидан фойдаланиш имкониятини беради.

Фитнес турларнинг энг муҳим устунлик жиҳатларидан бири – ижобий атмосферадир. Бундай турлар давомида турист умумий фикрлайдиган инсонлар билан бир қаторда вақт ўтказади. Шунинг учун ҳам фитнес турлар учун туристлар яқка ўзи саёҳатга чиқиши ҳам мумкин.

Фитнес турларнинг энг оммабоп кўринишларига қуйидагилар киради:¹⁴

- Йога турлар
- Вело-турлар
- Серфинг, виндсерфинг
- Аэробика
- Треккинг
- Тоғ чанғиси
- Рақс машғулотлари ва бошқалар.

Фитнес турлар одатда ўз ичига қунига 2 марталик интенсив машғулотлар, сув бўйларида қуёш чиқиш пайтида енгил югуришлар, соғлом ва меъёрлаштирилган овқатланиш жараёни, маҳаллий СПА ва танага соғлом ёндашув, шунингдек, диққатга сазовор жойларга мароқли ва жозибадор экскурсия ва саёҳатларни олади.

Одатда фитнес турлар қулай иқлимга эга бўлган мамлакатларда ривожланган. Бу албатта табиат – денгиз, қуёш, тоза ҳаво билан боғлиқдир. Фитнес туризми билан машҳур давлатларга Ўрта Ер денгизи мамлакатлари, Миср, Бали, Черногория, Сочи, Қрим, Австрия, Таиланд ва Ҳиндистон кабилар киради. Айрим экспертларнинг таъкидлашича, Туркия ва Таиландда иқлим

¹⁴ <http://stopkilo.net>

жуда нам, Мисрда эса иссиқ бўлишига қарамасдан уларда фитнес туризм учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, меҳмонхоналарда фитнес машғулоти учун алоҳида ажратилган ҳудуд, аквааэробика учун бассейн, фитнес инструктор хизмати ва бошқалар.

2-жадвал

Фитнес туризмнинг турлари ва бу турлар ривожланган мамлакатлар¹⁵

Фитнес туризм турлари	Ривожланган мамлакатлар
1. Йога турлар	Ҳиндистон, Таиланд, Шри-Ланка, Бали, Калифорния, Вьетнам
2. Вело-турлар	Нидерландия, Германия, Франция, Буюк Британия, Бельгия
3. Серфинг, виндсерфинг	Мексика, Португалия, АҚШ, Австралия, Индонезия
4. Треккинг	Франция, Португалия, Янги Зеландия, Австралия, Непал
5. Тоғ чанғиси	Колорадо, Италия, Франция, АҚШ, Швецария, Австрия
6. Рақс машғулоти	Миср, Туркия, Тунис, Ҳиндистон, Испания

Виндсерфинг – парусли спорт турларидан бири бўлиб, махсус қаттиқ овал пластик доскаларда сув тўлкинларда мусобақа уюштиришдир. Бунда парус досканинг пастки қисмида маҳкамланган бўлади. Ватани – АҚШ (1968 йил).

Сурфинг – худди шу тур бўлиб, фақат бунда парус мавжуд эмас. Жами жиҳоз ва кийим кечаклар учун харажатлар – 1700 \$ гача тушади.

Тоғ чанғиси – Европанинг Алп тоғларида, Австрия, Швецария, Франция, Италия ва Германияда жуда яхши ривожланган. Одатда 8 км гача бўлган масофаларда мусобақалар ўтказилади. Швецария, Норвегия, Финландияга

¹⁵ Jadval muallif tomonidan tuzildi

минглаб туристлар бундай мусобақаларни кўриш учун ташриф буюришади.

Фитнес турлар туристлар таркибини ажратмаслиги билан бошқа туризм турларидан фарқланади. Бу туризм туридан ўз соғлиғини тиклашга эътибор қаратган ёшлардан тортиб қарияларгача фойдаланишлари мумкин. Фақатгина энг муҳим жиҳат, фитнес машқларни фитнес инструктор билан биргаликда бажариш тавсия этилади.

Бугун фитнес туризмни туристик фаолият билан шуғулланувчи кўплаб турагентликлар, йирик фитнес марказлар, ракс мактаблари ҳамда ёга студиялари тақдим этмоқда.



11-расм. Виндсерфинг ва серфинг

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда инсонларда ўз саломатликлари учун вақт ажрата билишлари муҳим аҳамият касб этади. Фитнес турлар эса ана шу ажратилган бўш вақтларни инсон саломатлигини тиклаш, уларни табиатга яқинлаштириш, инсонларнинг руҳий ва жисмоний толиқишларини енгишга кўмаклашиш, тўғри жисмоний формага кириш, спорт машғулотлари билан шуғулланиб туришга ундаш, ички ва ташқи олам ўртасида мувозанатни мустаҳкамлаш вазифаларини бажаради.

2.5. Мавзули (тематик) туризм

2.5.1. Парфюмерия туризми

Парфюмерия туризми – туризмнинг бир кўриниши бўлиб, бунда асосий мақсад парфюмерия саноати билан боғлиқ бўлган ҳудудларга ташриф ҳисобланади. Парфюмерия турлардаги асосий дастурларга машҳур парфюмерия уйларига ташриф буюриш, янги ароматлар ишлаб чиқиш жараёнида, тажрибали парфюмерлар консультацияларида қатнашиш, назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиш кабилар киради. Парфюмерия туризмида энг кўп ташриф буюрадиган жой Франциядаги Шамрол қалъаси ҳисобланади. Ушбу қалъанинг ҳар бир хонаси ўзига хос интерер бўлиб, бу ерда XVI асрнинг бошидан XX аср охиригача 5 аср давомида парфюмерлар фаолият юритишган. Қалъада саёҳатчилар турли ҳудудлардан келтирилган ўсимликлар, 270 дан ортиқ эфир мойларидан ташкил топган парфюмерия органи, минглаб идишчаларда сақланган эски атирларни кўриш мумкин. Франция яна бир парфюмерия туризмнинг маркази Грасс шаҳри саналади. Айнан ушбу ҳудудда маҳаллий гуллардан тайёрланган ароматларни тўлиқ ҳис қилиш мумкин. Кейинги парфюмерия маркази Келн шаҳри ҳисобланади. Ушбу ҳудуднинг машҳурлашуви 1709-йилда ҳудудда парфюмерия манафактурасига асос солган Иоганн Мария Фарина номи билан боғлиқдир. Келн шаҳри ўзининг барча халқлар ва даврларнинг ароматлари мавжудлиги билан машҳурдир.

Парфюмерия туризми билан саёҳат қилувчи туристлар учун парфюмерия музейлари алоҳида ўринни эгаллайди.



12-расм. “Фрагонард” парфюмерия музейи, Париж, Франция

Дунёдаги машхур парфумерия музейлари¹⁶

№	Музей номи	Жойлашган мамлакати
1	“Фрагонард”	Париж, Франция
2	“Перфумерия ГАЛ”	Мадрид, Испания
3	“Музео дел Профумо”	Милан, Италия
4	“Еспако Перфуме”	Бразилия
5	“Новая заря”	Москва, Россия
6	“Атирлар музейи”	Гавана, Куба
7	“Ароматлар музейи”	Қоҳира, Миср
8	“Коцворд”	Буюк Британия

2.5.2. Қора туризм

“Қора туризм” (зулмат туризми, қайғу туризми, зимистон туризми ва танатотуризм деб ҳам аталади) – туризмнинг бир тури бўлиб, ўлим ва фожиалар бўлиб ўтган тарихий жойларга ташриф буюриш ҳисобланади. Инсониятнинг узок ўтмишли тарихи мобайнида туризм ва ўлимни боғловчи жойлар ва томошалар кўп бўлган. Мисол учун, Рим Колизейидаги гладиаторлар жанги, аҳоли қатл эттирилган жойлар, фиръавнлар қабри, Лондондаги Тауэр ва бошқалар. Қора туризмнинг келиб чиқиш тарихига назар соладиган бўлсак, 1839 йилда буюк Британияда темирйўл орқали Корнуоллга – жазога ҳукм этилган иккита жиноятчиларнинг қатл жойларига илк экскурсия уюштирилган. Аста-секинлик билан одамлар ўртасида бундай жойларга ташриф буюриш қизиқиши уйғонган. Кейинчалик, XIX асрнинг ўрталарида британиялик Томас Кук томонидан АҚШга – Фуқаролар уруши бўлиб ўтган жойга махсус сафар ташкиллаштирилиб, у мувофақиятли тарзда ўтказилган. Орадан анча вақт ўтиб, америкалик машхур ёзувчи Марк Твен бошчилигида туристлар Севастополга ташриф буюришган. 1937 йилдан бошлаб “Гинденбур”

¹⁶ uchebnikonline.com

дирижаблининг ҳалокатидан сўнг, фалокат рўй берган жойга яқин бўлмиш Нью-Жерсидаги Лейкхерст ҳарбий денгиз базасига туристик агентликлар саёҳат уюштира бошлашди.

“Қора туризм” тушунчаси илк маротаба 1996 йилда Каледонс университетининг Мехмондўстлик, туризм ва менежмент факультети ходимлари Джон Леннон ва Малколм Фоли томонидан жорий қилинган. Кейинчалик Ланкашир Марказий Университети, Ланкашир бизнес мактаби, туризм ва менежмент факультети илмий ходимлари Филип Стоун ва Ричард Шарпли “қора туризм” устида кўплаб изланишлар олиб боришган. Улар “қора туризм” мавзусида жуда кўп назарий ишланмалар нашр қилишган ва “қора туризм” институтига асос солишган.

Стоун “қора туризм” типологиясида 7 та жойни дестинация сифатида қарайди. Булар:

- Қоронғу ўйин-кулгулар индустрия маркази;
- Қоронғу кўргазмалар;
- Қамокхоналар;
- Марҳумлар вафот этган жойлар (қабристонлар ва алоҳида қабрлар);
- Сажда қилинадиган қора жойлар;
- Автомашиналар фалокатга учраган жойлар;
- Аҳолининг маълум қаилами қириб ташланган жойлар.

Қора туризмнинг манзилгоҳлари. Бу туризмнинг объектлари бўлиб қамокхоналар ва зиндонлар – Шотландиядаги Каллоден, Руминиядаги Бран ва Поэнари, Энджел оролидаги Бомарис қамокхонаси, “Лондонлик Донжон” қамокхоналар тарихи музейидаги Джек қотил кўргазмаси, Бухоро аркидаги зиндон ва бошқалар киради. Булардан ташқари “қора туризм” манзиллари бўлиб табиий офатлар ва антропоген ҳалокатлар бўлиб ўтган жойлар (Хиросимадаги Дунё мемориал парки, Украинадаги Чернобиль, Нью-Йоркдаги Гроунд-зеро ва ҳ.к) кўпчилик бу тур қизиқувчилари учун асосий ташриф жойлардандир. “Қора туризм” ўз таркибига геносид ва бошқа вахшийликлар

содир бўлган жойларни ҳам қамраб олади. Булар Польшадаги Освенцим концентрацион лагеридаги Холокоста музейи, Хитой Халқ Республикасидаги Нанкинс қирғини мемориал зали, Камбоджадаги “Туолсленг” геноцид музейи, Корея Республикасидаги Чеджудо кўзғолони бўлиб ўтган жой, Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар қабристони” ва бошқалар. Одатда қора туризмни хоҳловчи туристлар қуйидаги қабристонларга ташриф буюришадилар: Пер – Лашез, Монпарнас, Новодевиче, Хайгейц, Ваганков, Грин- Вуд, Карроумор ва бошқалар.

Бир неча йиллар давомида сайёрадаги “қора туризм” манзилгоҳларига саёҳат қилган машҳур туристлардан бири Янни Юта ҳар бир қора туризмга қизиқувчилар ташриф буюриши керак бўлган дунёдаги 10 та асосий манзилларнингнинг рўйхатини тузган.

Рўйхат қуйидаги манзилгоҳлардан иборат:

1. Окполанд

Жанубий Кореяда жойлашган машҳур Окполанд паркининг аттракциониди содир бўлган даҳшатли фалокатдан сўнг бу жой бутун дунёдан ташриф буюрадиган қора туристларнинг саёҳат жойига айланди. 1999 йилда парк аттракционларидан бири ҳисобланган поездчанинг рельсдан иккинчи маротаба чиқиб кетиши ва кўрлаб инсонлар ҳаётига якун ясаганлиги туфайли “қора туризм” манзилгоҳларидан бирига айланди.



13-расм. Окполанд парки

2. Белчите

Генерал Франко ва испан республикаси армияси ўртасида даҳшатли кураш бўлиб ўтган Белчите харобаси Янти Юта рўйхатининг иккинчи ўринидан жой олган.



14-расм. Белчите харобаси

3. Рўйхатнинг учунчи ўринидан эса Исландияда катталиги жиҳатидан олтинчи ўринда турувчи **Эйяфьядлайёкюдль** номли музлик ўрин эгаллайди. Музлик остида айна шу ном билан аталувчи вулқон мавжуд бўлиб, 2010 йилги даҳшатли вулқон отилиши натижасида ушбу жой қора туризм манзилларидан бирига айланган.



15-расм. Эйяфьядлайокудль музлиги

4. Фукусима

2011 йилнинг 11 мартида Фукусимада содир бўлган АЭС нинг портлаши ҳудуд учун катта талофат етказган. Айнан ушбу фожианинг содир бўлганлиги сабаб, ҳудуд қора туризм манзилларидан бирига айланган.



16-расм. Фукусима

5. Орадур-сюр-Глан

Франциядаги ушбу манзилда иккинчи жаҳон уруши даврида немис аскарлари ҳалок бўлган бўлиб, ҳозирда кўплаб “қора туристлар”ни ўзига жалб қилиб келмоқда. Ушбу ҳудуд ҳозирда мемориаль марказга айлантирилган.



17-расм. Орадур-сюр-Глан

6. Хиросима

1945 йилнинг 6 августида Хиросимага келиб тушган аиом бомбаси ҳудудни вайронага айлантирган бўлиб, кўпдаб инсонлар ҳаётига нуқта қўйди. 10 минглаб инсонлар вафот этган Хиросима ҳозирда мемориаль парк бўлиб, ташриф буюрувчилар учун махсус жойга эга. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган туристлар бу ерга вафот этганларга ҳурмат бажо келтириш ва қоғоздан ясалган оригамиларни махсус қурилган сув омборига қуйиш учун келадилар.



18-расм. Хиросима мемориал парки

7. Янги Орлеан


АҚШнинг Луизиана штатидаги порт шаҳарлардан ҳисобланмиш Янги Орлеан шаҳри аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд саналади. 2005 йилда ҳудудда содир бўлган тўфон регион учун янги туристик йўналишни очиб берди. Айнан табиий фожиаларга қизиқувчилар учун Янги Орлеан туристик марказ бўлиб келмоқда.



19-расм. Янги Орлеан харобалари

8. КостаКонкордиа

Италян оролининг яқинида содир бўлган денгиз круиз фалокатининг тўқнашувини кўриш ва эксклюзив суратларга эга бўлиш учун кўплаб туристлар ушбу жойга ташриф буюришни хоҳлайдилар. 2012 йилнинг 13 январида содир бўлган ушбу ҳалокатда 32 киши вафот этган, 4 мингдан ортиқ киши эвакуация қилинган.



20-расм. Круиз фалокати юз берган жой

9. Освенцим

Польшада жойлашган Освенцим концлагери қўрқинчли Холокоста музейига айлантирилган бўлиб, ташриф буюрганлар бутунлай ёниб кетган ҳудуд ва уй-рўзғор анжомларининг қолдиқлари билан танишадилар.



21-расм. Холокоста музейи

10. Камбоджа

Бу ерга туристлар нафақат дам олиш учун, балки ҳудудда жойлашган кўплаб геноцид (бутун бир халқ, этник гуруҳларнинг қириб ташланиши билан боғлиқ) музейларини кўриш учун ҳам келадилар. Шундай музейлардан бири Пномпень шаҳридаги *Tuol Sleng Genocide Museum* саналади.



22-расм. Камбоджадаги геноцид музейи

2.5.3. Кино туризми

Кино туризми охирги йилларда саёҳатчилар орасида машҳурлашиб бораётган туризмнинг бир тури бўлиб, бунда саёҳатчилар машҳур фильмлар суратга олинган жойларга ташриф буюрадилар. Тадқиқотларга қараганда, саёҳатчиларнинг 40 фоизи машҳур киноленталар суратга олинган жойларга ташриф буюришни чин дилдан хоҳлашадилар. Туризмнинг ушбу янги кўриниши туроператорларни 2006 йилдан қизиқтира бошлаган. Сабаби айнан ўша йили “Код Да Винчи” фильми суратга олингандан сўнг, Париждаги машҳур Лувр музейига 8,5 миллион турист ташриф буюрган.

Ҳақиқий кино ишқибозлари кино қаҳрамонлари бўлган жойда бўлишни ниҳоятда хоҳлашади. Ушбу туризм тури энг ривожланган ҳудудлардан бири Янги Зеландия ҳисобланади. “Узуклар ҳукмдори” (“Властелин колец”), “Нарния йилномалари” (“Хроники Нарнии”), “Хоббит” филмлари суратга олингандан сўнг, ҳудудга ташриф буюрувчи туристлар сони ниҳоятда ортди.

Буюк Британияда ҳам кино туризм яхши ривожланган бўлиб, Гарри Поттер, Шерлок Холмс ва Джеймс Бонд фильмларининг ҳақиқий мухлислари албатта ушбу мамлакатда бўлишни хоҳлашади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Гарри Поттер фильмининг суратга олиш ишлари Лондондаги Кингс-Кросс, Панкрас ва Юстон-Роуд вокзалларида, Австралия элчихонасида ва Ридженс ҳайвонот боғида олиб борилган.

Шунингдек, Мароккодаги порт шаҳар – Эс-Сувейда “Форс шахзодаси, “Гладиатор”, “Александр” фильмлари суратга олингандан сўнг туристлар ташрифи сони ошди¹⁷. Бундан ташқари, “Кинг-Конг”, “Годзилла”, “Ўргимчак одам” каби машҳур фильмлар суратга олинган Нью-Йорк шаҳри, “Индиана Джонс”, “Инглиз бемори” фильмлари суратга олинган Тунис, “Амадеус” фильми суратга олинган Прага шаҳри ҳам ушбу туризм тури ривожланган ҳудудлардан бўлиб келмоқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кино туризмнинг манзиллари

¹⁷Научный журнал: ИСТОРИЯ, КУЛЬТУРА, ЭКОНОМИКА УРАЛА И ЗАУРАЛА. 12-13 ноября 2015 г. С. 178-179. О.В.Вирт, И.Э.Карасев. Кинотуризм как перспективный вид культурно-познавательного туризма.

бўлиб нафақат фильмлар суратга олинган кўча ва майдонлар, балки машхур фильмлар суратга олинган меҳмонхоналар ва ресторанлар ҳам киради.



27-расм. «Хоббит» фильми суратга олинган жой (Янги Зеландия)

Буларга мисол қилиб, “Чўқинтирган ота” фильми суратга олинган Гаванадаги “Mercure Sevilla Havane” эски меҳмонхонаси, “Оушеннинг 11 дўсти”, “Вегасдаги болакай” ва бошқа 17 дан ортиқ фильмлар суратга олинган “Grandhotel Pupp”, “Hotel Plaza Athenee” ва бошқалар шулар жумласидандир. “Қора рицар” суратга олинган Англиядаги Criterion ресторани ҳам бугун кино-туристлар орасида машхурдир.

2.5.4. Вино туризми

Бугун гастронимик туризм ривожланаётган туризм бозорининг энг муҳим таркибий қисми саналади. Маълумотларга қараганда, дунё бўйлаб саёҳат қилаётган ҳар бир турист харажатларининг 3 дан 1 қисми тановул қилишга сарфланади. Бизга маълумки, гастронимик туризм икки муҳим таркибий қисмдан: егулик ва ичимликларни таътиб кўришдан иборат. Ичимликлар орасида эса вино ҳозирда туристлар учун энг мақбул бўлиб, ҳар қайси винонинг бетакрор ва ўзгача таъмидан баҳраманд бўлишни хоҳловчилар ўз саёҳатлари давомида вино-турлар уюштиришни ниҳоятда хоҳлашади.

Вино туризми – туризмнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, ушбу

турда туристларнинг асосий мақсади виноларни айнан ресурс мавжуд бўлган жойда таътиб кўриш ёки сотиб олиш ҳисобланади. Вино туризми туристларга вино ертўлаларига кириш, узумзорларни айланиш, вино фестивалларига қатнашиш ва такрорланмас таъмли вино мавжуд ресторанларга ташриф имконини беради¹⁸.

XXI асрга келиб вино туризми жуда кучли ривожланди. АҚШда 27 миллион саёҳатчилар ёки дам олиш учун саёҳат қилган туристларнинг 17 фоизи айнан виночилик билан боғлиқ жараёнларда иштирок этишган¹⁹. Италияда эса бу кўрсаткич 5 миллион сайёҳларни кўрсатиб, улардан тушган тушум 2,5 миллиард еврини ташкил этган²⁰.

Тадқиқотларга кўра, ҳозирда вино туризмнинг 4 та асосий тури мавжуд. Булар:

1. “Очиқ эшик” (“Open door”) – туристларни вино таътиб кўришлари учун вино ертўлаларига олиб кириш.
2. “Таълим+вақтни чоғ ўтказиш” (“Edutainment” (education + entertainment)) – ҳосил териш, вино тайёрлаш жараёнларида иштирок этиш ва узумзорлар аро сайр.
3. “Диснейленд вино туризми” (“Disneyland Wine Tourism”) – умумий туризм таркибида, катта маблағ талаб қиладиган тур бўлиб, ресторанлар, меҳмонхоналарда энг қиммат виноларга буюртма бериш.
4. “Тадбирларга асосланган” (“Eventification”) – бунда виночилик билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тадбирларда иштирок этиш тушунилади: Wine Festivals, Fête du VIN, Gastro-Walks, and Village Harvest Festival.²¹

¹⁸ www.winesofbalkans.com

¹⁹ "Study: Food and Wine Travel Increases in Popularity" About.com

²⁰ "Popularity of wine tourism grows". Italy Magazine. May 12, 2012.

²¹ www.bkwinetours.com

Вино туризми 4 турга бўлинганлиги билан бир қаторда, вино туристлари ҳам 3 турга бўлинади. Булар:²²

- 1) “Ғайритабиий вино севувчилари” (The Wine Geeks) – Улар ҳамма нарсани билишни хоҳлашади. Вино улар учун ягона мақсад.
- 2) “Гастро-туристлар” (The Gastro-Tourists): Уларнинг фикрича таом ва вино энг муҳим элемент.
- 3) “Винога оддий тарзда ёндашувчи туристлар” (The Passing-By Casual (Wine) Tourist): Уларнинг шиорлари: “Биз вино минтақасидамиз, шундай экан кеттик вино ертўлаларига”.


Кўпчилик вино туристлари виноларни айнан вино ертўлаларидан сотиб олишни ва таътиб кўришни хоҳлашади. Бу эса вино ертўлалари ушбу туризм турини ривожланишида нақадар муҳимлигини кўрсатади. Кўпгина вино ертўлалари ҳозирда кўп миқдорда вино ишлаб чиқарувчи мамлакатларда мавжуд бўлади. Халқаро Ток (узум) ва Вино ташкилотининг (International Organization of Vine and Wine) берган статистик маълумотларига кўра, бугунги кунда Франция вино тайёрлаш, ишлаб чиқариш борасида Испанияни ортда қолдирмоқда. 2014 йилда 792,000 гектор ер майдонидан 46.7 миллион гектолитр вино ишлаб чиварилган бўлиб, 7.7 миллиард эврога экспорт қилинган. Иккинчи ўринда 44.7 миллион гектолитр билан Италия ва учинчи ўринда 41.6 миллион гектолитр билан Испания эгаллаган.

Вино туризмнинг ривожланиши бевосита вино истеъмоли билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Виночилик институтининг берган маълумотларига кўра, Ватикан ва Андоррада йилига киши бошига мос равишда 54.26 ва 46.26 литр вино истеъмоли тўғри келади. Францияда бу кўрсаткич 42.51 литр, Италияда 33.3 литр, Буюк Британияда 22 литрни ташкил этади.

²² www.forbes.com

The World's Biggest Wine Producers


Global wine production (million hectoliters) and vineyard area (hectares) in 2014



28-расм. Дунёдаги энг катта вино ишлаб чиқарувчи мамлакатлар²³

Which countries drink the most wine?

Annual per capita wine consumption worldwide (Nov 15)*



* Litres per capita, excluding overseas territories
 © StatistaCharts Source: The Wine Institute

statista

29-расм. Йиллик киши бошига тўғри келадиган вино истеъмоли²⁴

²³ www.statista.com

2015 йилда Австралияда вино туризмнинг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиб, қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Тахминан вино туристларининг 88 фоизи вино таътиб кўриш учун вино ертўлаларига ташриф буюришган;
- Тахминан 32 минг туристлар Жанубий Корейдан вино таътиб кўриш учун ертўлаларга ташриф буюришган;
- вино туристларининг 52 фоизи ижара уйлари, квартираларда тунашган;
- Тахминан 100 минг вино туристлар ўзлари билан олиб кетиш учун винони ертўлалардан сотиб олишган;
- вино туристларининг 27 фоизи вино ертўлаларида 100 дан 500 Австралия долларида сарф қилишган;

2.6. Воқеа-ҳодисалар туризми

Воқеа-ҳодисалар туризми туризмнинг янги ва жуда қизиқарли турларидан бири саналади. Ўз ичига ер юзидаги энг ажойиб тадбирларда қатнашиш ва анъанавий дам олишни қамраб олган бу туризм тури кундан-кунга катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Воқеа-ҳодисалар туризми – байрам ва тадбирлардаги бетакрор атмосфера, унутилмас таъассуротлар демакдир. Ушбу туризм турнинг энг муҳим жиҳати – ундаги кўплаб ёрқин, такрорланмас фурсатларнинг мавжудлиги саналади. Воқеа-ҳодисалар туризми туристларнинг маълум бир йўналишларга оид (маданият, санъат, спорт, бизнес) ярмаркалар, кўргазмалар, иқтисодий форумлар, концерт дастурлар, карноваллар, фестиваллар ва турли спорт мусобақаларида қатнашиш учун ташриф буюриши саналади.

Тадбирлар шаклига қараб ҳам А.В. Бабкин ўзининг “Туризмнинг махсус

²⁴ www.statista.com

турлари” номли китобида воқеа-ҳодисалар туризми қуйидаги мавзули турларга бўлинишини айтиб ўтган.²⁵

1. Миллий фестиваллар ва байрамлар
2. Театрлаштирилган шоулар
3. Кино ва театр фестиваллари
4. Гастрономик фестиваллар
5. Гуллар фестивал ва кўргазмалари
6. Мода намоишлари
7. Аукционлар
8. Муסיқа фестиваллари ва муסיқа беллашувлари
9. Спорт тадбирлари

Воқеа-ҳодисалар туризмнинг ривожланиш тарихи эрамиздан аввалги 6 асрга бориб тақалади. Айнан ўша пайтда Қадимги Грецияда тангри Аполлон шарафига муסיқавий беллашув – Пифей ўйинлари ўтказилган ва кўплаб иштирокчилар ва томошабинлар ташриф буюришган. Ўйиндаги бош соврин дафна япроғидан ясалган гулчамбар бўлган²⁶. Яна бир шундай тарихий тадбирлардан бири бу Венеция карнавали ҳисобланиб, ушбу карнавал ер юзидаги энг қадимий карнаваллардан саналади. Венеция карнавалининг тарихи 1094-йилга бориб тақалиб, Венеция аҳолисининг 1 ой давомида юзларида ниқоб (маска) тақиб юрганликлари билан белгиланади. Бу карнавал ренессанс даврига келиб ривожланган.²⁷

Бугунги кунда туристлар эътиборини тортадиган ва улар учун ташриф қоғози бўлиб хизмат қиладиган бир-биридан ажойиб тадбирлар бутун дунё бўйлаб ўтказилиб келинмоқда. Қуйидаги жадвалда дунёда ўтказиладиган йирик тадбирлар ва уларнинг ўтказилиш жойи берилган.²⁸

²⁵ Бабкин А. В. Специальные виды туризма. Ростов-на-Дону. 2008

²⁶ Соколова М. В. История туризма. Учебное пособие. 2002

²⁷ <https://tonkosti.ru>

²⁸ Jadval muallif tomonidan tuzildi

Дунёнинг машхур тадбирлари (фестиваллари) ва ўтказилиш жойлари

Тадбирнинг номи	Ўтказилиш жойи
1. “Октоберфест” пиво фестивали	Германия
2. “Eurochocolate” фестивали	Италия
3. “Ла Таматина” фестивали	Испания
4. “Марди Гра” байрами	АҚШ
5. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали	Ўзбекистон
6. “Хоси мацури” фестивали	Япония
7. “Семана Санта” фестивали	Гватемала
8. “Палио” байрами	Италия
9. “Burning man” фестивали	АҚШ
10. “Дивали” байрами	Ҳиндистон
11. “Ипак ва зираворлар” фестивали	Ўзбекистон
12. “Апельсинлар жанги” фестивали	Италия
13. “Рио-де-Жанейро” карнавали	Бразилия
14. “Зайтун ва зайтун ёғи” фестивали	Испания
15. “Гитаралар” фестивали	Аргентина
16. “Ҳаво шарлари” фестивали	Нью-Джерси
17. “Каштан” байрами	Франсия
18. “Лолалар” фестивали	Туркия
19. “Гурманлар” фестивали	Швецария
20. “Корридо” фестивали	Испания

“Октоберфест” пиво фестивали 200 йилдан бери Баварияда ўтказилиб келинадиган йирик масштабдаги фестивал ҳисобланади. Ушбу фестивал дунёдаги энг катта байрам сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Фестивалга қатнашиш учун ҳар йили деярли 6 миллионга яқин

пиво севувчилари дунёнинг турли ҳудудларидан ташриф буюришади. Фестивал давомида иштирокчилар Мюнхенда ишлаб чиқарилган жами йиллик пиволарнинг 3 дан 1 қисмини истеъмол қилишади.²⁹ Яна бир шундай ажойиб тадбирлардан бири “Ла Томатино” фестивали ҳисобланади. *Ла Томатина* фестивали ҳар йили Август ойининг охири чоршанбасида, Испаниянинг Бунол шаҳарчасида ўтказиладиган ажойиб “помидорлар жанги” байрами ҳисобланади. Фестивал бир ҳафтагача чўзилиб, мусикали чиқишлар, ярмаркалар, парад, рақслар ва салютни қамраб олади. Бунол шаҳри аҳолиси 9 минг кишини ташкил этади, байрам олдида бу ерга 40 мингтагача туристлар ташриф буюришади.³⁰ Яна бир “ширин” фестиваллардан бири ҳар йили Италияда ўтказиладиган “*Eurochocolate*” фестивали ҳисобланади. Фестивал Италиянинг Перуджа шаҳрида ўтказилиниб, бир ҳафтадан кўпроқ муддат давом этади. Фестивал давомида турли мамлакатлардан 1 миллионга яқин шоколад экспертлари ва бу тотли неъматни севувчилар ташриф буюришади.³¹

Ўзбекистонда ҳар 2 йилда бир маротаба анъанавий тарзда ўтказилиниб келинаётган “*Шарқ тароналари*” халқаро мусиқа фестивали эса мана бир неча йилдирким бутун дунё халқларини мусиқа оҳанглари билан ўзига жалб этиб келмоқда. Ушбу фестивал илк маротаба 1997-йилда уюштирилган бўлиб, ушбу йили дунёнинг 31 мамлакатидан ташриф буюрган истеъдодли мусиқа ижрочилари беллашган.³² 2017 йилда эса, ушбу мусиқа фестивалида эса дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларидан иштирокчилар ўзларининг ажойиб мусиксий чиқишлари билан қатнашдилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, турли тадбирлар, жумладан, ярмаркалар, кўргазмалар, иқтисодий форумлар, концерт дастурлар, карноваллар, фестиваллар ва турли спорт мусобақалари туризмнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади ва мамлакатда туристлар ташрифи ошиши учун хизмат қилади.

²⁹ www.muenchen.de

³⁰ www.latomatinatours.com

³¹ www.calend.ru

³² www.sharqtaronalari.uz



23-расм. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали

Шундай экан, тадбирларни юқори савияда, йирик масштабда, халқаро миқёсда ўтказиш, халқаро туристлар ташрифи сонининг ошиши учун имкониятлар ва инфратузилмани шакллантириш муҳимдир.

2.7. Космик туризм

Космик туризм – экзотик туризмнинг бир кўриниши бўлиб, мижоз хоҳишига кўра Ер орбитаси ва космосга уюштириладиган саёҳат тушунилади. Ушбу туризм тури олимлар томонидан яқин келажакда ривожланиши кутилаётган бўлиб, Ойга ва бошқа сайёраларга саёҳатлар уюштириш, скафандрда очиқ осмонда юриш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Космик туризм ғояси илк маротаба Баррон Хилтон ва Крафт Эрикларнинг 1967 йилда чоп этилган ишланмаларида келтирилган. Улар биринчилардан бўлиб тижорий мақсадда космосга хоҳишмандларни жўнатишни ўйлаганлар. Ўша пайтларда бу ғоя унчалик эътиборга олинмаган бўлсада, XX асрнинг охирларига келиб ривожлана бошлади.

Бугунги кунда ушбу туризм тури ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган компаниялардан бири – Blue Origin номли Америка Космик компанияси саналади. Space.com сайтининг берган маълумотларига кўра яқин

йилларда компания томонидан New Shepard ракеталарида йўловчиларни суборбитал йўналишдаги саёҳатларни амалга оширади. Шунингдек, Virgin компанияси 250 000 \$ эвазига 2,5 соатлик космосда саёҳатларни таклиф этмоқда.

5-жадвал

Космосга саёҳат қилган туристлар

	Ф.И.Ш	Сурати	Фуқаролиги	Космосда		Туристик йўлланма нархи
				дан	гача	
1	Деннис Тито		 АҚШ	28 апрель 2001	6 май 2001	\$20 млн.
2	Марк Шаттлворт		 ЖАР  Буюк Британия	25 апрель 2002	5 май 2002	\$20 млн.
3	Грегори Олсен		 АҚШ	1 октябрь 2005	11 октябрь 2005	\$20 млн.
4	Ануше Ансари		 АҚШ  Эрон	18 сентябрь 2006	29 сентябрь 2006	\$20 млн.
5	Чарльз Симони		 АҚШ  Венгрия	7 апрель 2007	21 апрель 2007	\$35 млн.
				26 март 2009	8 апрель 2009	\$35 млн.

6	Ричард Гэрриот		 АҚШ  Буюк Британия	12 октябрь 2008	24 октябрь 2008	\$30 млн.
7	Ги Лалиберте		 Канада	30 сентябрь 2009	11 октябрь 2009	\$35 млн.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ САЛОҲИЯТЛИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

3.1. Зиёрат туризми

Ўзбекистон туристик ресурсларнинг бойлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда диний туризм, яъни азиз қадамжоларни зиёрат қилиш масканларига жуда бой ҳисобланади. Жумладан, Марказий Осиёда, қолаверса жонажон Ўзбекистонимизда ҳам азиз авлиёлар яшаб, дафн этилган қадамжолар, зиёрат масканлари беқиёс кўп. Кўпгина авлиёларнинг дафн этилган жойлари ва қабрлари қайтадан таъмирланиб, асл ҳолатига келтирилмоқда. Улар қаторига Баҳовиддин Нақшбандий, Ғиждувоний, Имом ал-Бухарий, Маҳтуми Аъзам, Шоҳизинда, Мотрудий, Ҳаким ат-Термизий, Зангиота каби азиз авлиёлар ва имомлар мақбаралари мусулмон аҳлининг беқиёс, гўзал зиёрат қиладиган ва маънавий руҳланадиган жойларига айлантирилди. Айниқса, Имом Ал-Бухорий мажмуасини муҳим зиёратгоҳга айлантириш халқаро аҳамиятга эгадир. Чунки, бу зиёратгоҳ мусулмон оламида Макка ва Мадина шаҳарларидан кейин энг муҳим саждагоҳ ҳисобланади. Шу сабабли зиёрат қилиш учун қулай шарт - шароит яратиш, яъни инфратузилмани шакллантириш бугунги куннинг муҳим масаласи ҳисоланади. Бу ерда асосий вазифа хориж мамлакатлар фуқароларининг ортиқча қийинчиликларсиз зиёрат қилиб кетишларига эришишимиздир. Бунинг учун Самарқанд шаҳри аэропортини жаҳон андозаларига яраша бўлиши, масалани асосий ечимидир.

Мустақаллик йилларида диний қадамжоларга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Буюк аجدодларимиз кўним топган масканларни қайта тиклаш, ободонлаштириш, таъмирлашга жиддий эътибор берганлиги туфайли зиёратгоҳ масканлар 1.5 млрд. Мусулмон дунёсини ўзига тортмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда диний туризмни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Хусусан, Жануби – Шарқий Осиё ва Ғарбий Осиё мамлакатлари зиёратчиларни жалб этиш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун ҳар бир вилоят, туман ва

қишлоқлардаги кишилар томонидан муқаддас ҳисобланиб келинаётган зиёратгоҳларни аниқлаш, умумлаштириш, республика ва вилоят диний туристик карталарини яратиш ҳамда зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, йўл қуриш, транспорт имкониятларни ўрганиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Диний зиёратгоҳлар кам маблағ ҳисобига катта даромад манбаига айланиши шубҳасиз. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ўнлаб, юзлаб диний қадамжолар мавжуд. Аммо уларни зиёрат этиш маршрутлари аниқ тузилмаган. Ачинарли ҳолати шундаки, ислом дунёсида катта хизмат қилган, авлиё даражасига кўтарилган сиймоларимиз абадий қўним топган масканларини фақатгина маҳаллий даражада, яъни туман ёки вилоят миқёсидаги биламиз, холос. Бинобарин, бундай муқаддас зиёратгоҳларни республика ва халқаро даражадаги диний зиёратгоҳ объектларига айлантириш мумкин.

Ҳозирги кунда халқаро туризмнинг энг муҳим тармоқларидан бири диний яъни зиёратчилик туризми бўлиб ҳисобланади. Зиёратчилик туризмнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Яъни унинг илк бор вужудга келиши антик даврига тўғри келади. Зиёратчилик туризмнинг асосий пайдо бўлган масканлари қадимги греклар ва римликлар ватани бўлиб ҳисобланади. Қадимда греклар ва римликлар ибодатхоналар ва черковлар қуриб, уларда сиғинишганлар. Зиёратчиларнинг сайёҳат қилишидан асосий мақсади азиз авлиё жойларга қадам ранжида қилиши, сиғиниш чоғида руҳий жиҳатдан енгиллашиши, кўнгилларнинг покланиши, оғир касалликлардан холос бўлмоқлиги, қилиб қуйган гуноҳ ишларини оллоҳдан сўраб кечиришларини, сафар чоғида сафдошлари билан маънавий яқинликда бўлишни орзу-умид қилишадилар. Зиёратчи сайёҳлар сафарга чиқишида ўз орзу умидларига эришиш, яратганга шукронлар айтиб унинг иззат ҳурматини бажо келтиришни ўз кўнгилларидан ўтказадилар.


Ҳозирги кунга келиб дунёда зиёратчилик сайёҳлигининг 10 дан ортиқ йирик марказлари мавжуд бўлиб, улар ер шарининг деярли ҳамма қитъаларида жойлашгандир.

Мусулмон оламида зиёрат қилиш маконлари ҳам анчагина. Жумладан, Марказий Осиёда, қолаверса жонажон Ўзбекистонимизда ҳам азиз авлиёлар яшаб, дафн этилган қадамжолар, зиёрат масканлари бекиёс кўп. Улар қаторига Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий макбараси; Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зангиота мажмуаси; Тошкент шаҳридаги Шайх Хиванда Тахур макбараси, Қалдирғоч-бия макбараси, Юнусхон макбараси; Ҳазрати Имом мажмуаси; Абубакр Муҳаммад Каффал Шаши макбараси; Шайх Зайниддин бобо макбараси; Самарқанд вилояти Паяриқ тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Ал-Бухорий мажмуаси; Оқдарё тумани Даҳбед кўрғонидаги Махтуми Аъзам макбараси; Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда, Амир Темур, Рухобод, Хўжа Дониёр, Мотрудий, Мурод авлиё, Хўжа Ахрор Вали, Оқ сарой, Чўпонота макбаралари; Бухоро шаҳридаги–Исмоил Самоний, Чашмаи Аюб, Садриддин Бухарзи, Боҳовуддин Нақшбандий, Буён Кулихон, Чор Бакр макбаралари; Хоразм вилоятида Уч авлиё, Саид Алловуддин макбараси; Қашқадарё вилоятида–Жаҳонгир, Дорус Саодат, Дорут Тиловат мажмуаси, Кўк гумбаз масжиди; Сурхондарё вилоятида - Ҳаким ат-Термизий мажмуаси; Султон Саодат ибодатхона ёдгорлиги, Фаёзтепа ибодатхонаси; Жиззах вилоятида–Садр Вахс авлиё (Авлиёота) мажмуаси; Фарғона вилоятида Даҳмон Шахон гўрхонаси, Мозорихон макбараси кабилар зиёратчи сайёҳларни ўзига жалб қилиб келадиган масканлар бўлиб ҳисобланади.

3.2. Ёшлар туризми

Ёшларнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишида, халқлар ва миллатларнинг ўзаро ҳамдўстлик муносабатларини шаклланишида ҳамда мустаҳкамланишида уларнинг тилини, маданиятини билиш ва англаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада эса ёшлар туризми алоҳида ўринни эгаллайди.

Бугунги ёшлар турли хил мақсадларда: ўз билимини ошириш, тил ўрганиш, халқларнинг маданияти ва урф-одатлари билан танишиш, улар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш, спорт ва бошқа мақсадларда саёҳатларини амалга оширишмоқда. Бугунги кунда дунё ёшларининг сони **2 миллиардга яқин бўлиб**³³, **2016 йилда халқаро ёшларнинг саёҳатлари сони умумий саёҳатчиларнинг 23%ини (284 миллион)ни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2020-йилга қадар 370 миллионга етиши башорат қилинмоқда**³⁴.



7-расм. Ёшлар туризмнинг ривожланиш динамикаси

Мамлакатимизда ҳам туризмни аниқса ёшлар туризмини ривожлантиришга алоҳида ишлар амалга оширилмоқда. 2016 йил 2 декабрда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири этиб ёшлар туризми белгиланган³⁵. Мамлакатимизда ёшлар, уларнинг хоҳиш ва истаклари, манфаатлари доимо ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Республикаимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилиданоқ ёшлар ва уларга қаратилган эътиборнинг қонуний асослари яратилди: 1991 йилнинг 20 ноябрида

³³ Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти 72-сессиясидаги нутқи. 2017-йил, 19-сентябрь.

³⁴ The power of youth travel, Volume 13, 2016

³⁵ www.lex.uz

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Бу қонун шиддат билан ривожланиб бoryтган замон талабларига мос равишда ўзгариб ва қўшимчалар киритилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев бошчилигида ёшларга оид давлат сиёсати такомиллаштирилиб борилмоқда. 2016 йилнинг 12 августида ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу қонун **33 та моддадан** иборат бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи органлар ва муассасалар иштироки алоҳида белгилаб қўйилган. шунингдек, қонунинг 3-бобидаги 6та моддаси ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган. Мамлакатимиз ёшларининг эркин саёҳат қилиш ва дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ушбу қонунда белгилаб қўйилган. Жумладан:

қонуннинг *23-моддасида “...ёшларнинг жамоат транспортдан фойдаланишда имтиёзлар бериш...”

***24-моддасида “...ёшларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этиш тизимини ривожлантириш...”**

***25-моддасида “...ёшларга оид халқаро алмашинуви”**

***27-моддасида “...ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш”**

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар сони 10 миллиондан ортиқни ташкил этади. Бу кўрсаткич чет мамлакатларига қараганда юқоридир. Мана шу ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи” бугунги кунда ёшларимизнинг ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

2017-йил 14-16 августда “Ички туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унда ёшларнинг ўрни” мавзусида республика ёшлар форуми ташкил этилди. Форумда шу соҳада таълим олаётган талабар, соҳа мутахасислари ва ёшлар иштирок этиб, ўзларининг фикр ва ғояларини билдиришди. Ёшлар туризми

ривожлантиришда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўртасида имзоланган меморандум муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ёшлар Иттифоқи қошида “Ёшлар туризмни ривожлантириш” марказ фаолияти бугунги кунда такомиллаштирилмоқда. Марказ ўз фаолияти давомида қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- ✓ Ёшлар туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш;
- ✓ Соҳага доир турли илмий анжуманлар, ўқув семинарлар ва бошқ.ларни ташкил этиш;
- ✓ Туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўрганиб чиқиб ҳомийлар ёрдамида уларни бартараф этиш;
- ✓ Туризм соҳасида таълим олаётган талабаларнинг амалиётини ташкил этиш;
- ✓ Саёҳлик ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва уларни ёшларга етказиш;
Туризмни ривожлантиришда ёшлар ишлаб чиққан лойиҳаларни қўллаб қувватлаш ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишда ҳомийлар ёрдамидан фойдаланиш;
- ✓ Сайёҳларнинг вилоят ҳудудида доимий хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар тўплаш;
- ✓ Туризм инфратузилмаларини ривожлантиришда лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- ✓ Ёшлар туризмнинг соҳа ҳамда йўналишларини тадбиқ этилишини таъминлаш;
- ✓ Ёшларни бирлаштириш.

“Ёшлар Иттифоқи Оромгоҳи” - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 2010 йилдаги №531-Ф фармони билан собиқ “Алгоритм” болалар соғломлаштириш оромгоҳи асосида ташкил қилинган бўлиб, оромгоҳ 2012 йилда замонавий талаблар асосида тўлиқ реконструкция қилинган. Оромгоҳ 150 кишига мўлжалланган бўлиб, дам олувчи ёшларни 2та ётоқхонада қабул қилиб, ҳар бир ётоқхона тўлиқ жиҳозланган. Шунингдек, оромгоҳ семинар ва тренинглар, конференциялар ўтказиш учун барча шарт-

шароитларга эга. Оромгоҳ малакали кўриқлаш хизмати ходимлари томонидан куриқланиб, видео-кузатув мосламалари билан жиҳозланган.

Ўзбекистонда, жумладан Самарқанд вилоятида ҳам ёшлар туризмини ривожлантириш учун жуда кўп ишлар қилинмоқда: туристик марказларнинг ташкил этилиши, ёшлар ва ўсмирлар учун Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларга экскурсиялар, Қашқадарё вилоятида ва Фарғона водийсида иқтидорли ёшлар учун ташкил этилган ёзги оромгоҳлар ва шу кабилар;

Аммо мамлакатимиздаги **10 миллион ёшлар** учун бу патенсиал жуда кам эканлигини кўришимиз мумкин. Ёшларнинг саёҳат ва дам олишлари қамровини кенгайтириш учун бундан оромгоҳларни кўпайтириш лозим.

3.3. Экологик туризм

Экологик туризм ўтган асрнинг охирларидан бошлаб жаҳон туризми индустриясига аста-секин кира бошлади. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари бўйича кейинги беш йилда экологик туризмда туристлар оқими тобора кўпайиб бораётганлиги ҳақида ҳисоб – китоб натижалари келтирилган. Ушбу туризм йўналишида жанубий Европа, Жанубий – шарқий Осиё, кичик Осиё, Хитой ва Африка қитъасидаги давлатлар олдинги ўринларда боришмоқда. Албатта, қайд қилинган географик табиий манзиллар бетакрор табиат минтақалар бўлиб, доимий баҳор ва ёз иқлимига эга бўлган давлатларнинг табиатдаги биологик хилма-хиллик ресурслари, шароитлари бу минтақаларда йил давомида туристлар оқимининг кўпайишини таъминлайди, имкониятлар яратади. Ҳозирги кунга келиб жаҳонда экологик туризм жадал суратлар билан ривожланиб бораётган туризм соҳаларидан бирига айланди.

Ўзбекистон 3,8 млн. гектарга эга бўлган овчилик – балиқчилик ер майдонларига эга, улардан 1 млн. гектарини сув фонди ташкил этади. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 тур балиқларга эга. Булардан, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48

тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, баликларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти маълумотлари бўйича, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4148 тур ўсимликлар мавжуд. Шулардан, 3000 турлари олий, ёввойи ўсувчи ўсимликлар, улардан 9 фоизи эндемиклардан иборат. Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар таркибида 2164 км² ни ташкил қилган 10 та давлат қўриқхонаси, 6061 км² ни ташкил этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга қирувчи ҳайвонларни қўпайтириш республика марказий – «Жайрон» экомаркази, 12186 км² майдонни ташкил этган 17 та давлат буюртмахоналари мавжуд.

Келтирилган маълумотларга қўшимча қилиб қайд қилиш мумкинки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, экологик туризмнинг ривожланиши учун қулай транспорт, географик ҳудудларида жойлашган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси асосан табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Экспертларнинг маълумотига қараганда экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20 %ини қамраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2 – 3 маротаба ошиб кетди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда экологик туризмни ривожлантириш асосларини ва экологик ресурс масканларига туристик маршрутлар тузишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

Экологик туризмни ривожлантиришнинг долзарблигини ҳисобга олиб, экологик туризмнинг моҳиятига баҳо бериш ва экологик туризм ресурсларига баҳо бериш, экологик туризм ресурсларига туристик маршрутлар тузишнинг услубий ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш, экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини ташкил қилади.

Ўзбекистонлик эколог олимларнинг фикрича, – экотуризм маърифий-маънавий тушунчалар остида экотуристларнинг экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига, табиий ҳудудларнинг тарихий

ёдгорликларига, археологик топилмаларига, геологиясига, палеонтология қолдикларига саёхатлари каби табиат билан боғлиқ мажмуалар киради.

Албатта, халқаро табиатни муҳофаза қилиш ва халқаро туризм ташкилотлари, Ўзбекистоннинг экологик туризмни ривожлантириш концепциясининг экотуризм таърифига қўшимчалар киритиш мураккаб, жуда катта манбаларни таҳлил қилишни талаб қилади. Лекин яна бир омилни келтириш ўринли бўлади. «Экология» сўзи «oikos» - уй ва «logos» - фан сўзларидан келиб чиққан. Экология – тирик организмларнинг ва уларнинг тизимлари (популяциялари, туркумлари) нинг бири-бирлари ҳамда яшаш мухитлари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фандир.

Экотуризмнинг ҳақиқий мухлислари ўзининг янги табиат гўшаларига саёхати вақтида айнан ана шу муносабатларни кўришни кузатишни ҳохлайди. Умумфирларни жамлаб, таҳлил қилганимизда экотуризм табиат қўйнида бўлишликни ифодалайди.

Экотуризмнинг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик ҳавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланишдир. Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш учун «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси» да келтирилган режавий дастурни келтириш кифоя қилади. Бу концепцияда республикада экологик туризмни ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш муҳимлиги алоҳида қайд қилинган:

- экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;
- экотуристлик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;
- экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;
- экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- экотуристлик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг кадастрини олиб бориш;

- экотуризм мониторинги ва истикболини олиб боришни йўлга қўйиш;
- миллий давлат ҳудудларини экотуризм бўйича районлаштириш;
- давлатларнинг ва халқаро жамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурлар ва тадбирларини ишлаб чиқиш;
- биологик хилма-хилликни сақлаш.

Қайд қилинган вазифаларни бажаришда қуйидаги экотуристик тамойилларни, яъни экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қоидаларга қаттиқ, маъсулият билан риоя қилиш талаб қилинади:

- экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалаларининг устиворлиги;
- экотуризмнинг тарихий, маданий ва бошқа туризм турлари билан боғланганлиги;
- туризм ва сервис соҳаси йўналишидаги барча таълим муассасаларида экотуристик ўқув киритилишининг мақсадга мувофиқлиги;
- маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини ўстиришда экотуризмни жалб қилиш зарурияти;
- табиатдан оқилona фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристик маршрутларда акс эттириш;
- давлат, жамият, маҳаллий бошқарув идораларининг экологик туризмдан манфаатдорлиги;
- экотуризмда экологик ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;
- экотуризмда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантиришнинг зарурлиги.

Қайд қилинган тамойилларнинг бажарилиши Ўзбекистонда экологик туризмни жадал ривожлантиришнинг асосларини таъминлайди.

Экотуризмни ривожлантириш бўйича 2007 йилда «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси» қабул қилинган. Ушбу

концепциянинг 1.4. бандида – экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалари қайд қилинган. Улар қуйидагилар:

- экотуризм объектларида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш;
- экотуризм қадамжойларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, туристик инфратузилмаларни ҳосил қилиш;
- экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бераоладиган моддий – техник, ахборот –таҳлилий базасини яратиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш;
- экотуризм масканларини электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида экологик тоза, қайта тикланувчи муқобил энергия қурилмалари ёрдамида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш.

8-жадвал


Ўзбекистон Республикасининг давлат томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари

№	Табиий ландшафт	Муҳофаза маскани	Майдони, га	Ташкил этилган йил
1	2	3	4	5
Давлат қўриқхоналари			175536	1971
1	Бадай – тўқай	Амударё пасттекисликлари тўқай экотизимлари	6462	1983
2	Ҳисор	Ҳисор тизмаси тоғ экотизимлари	80986	1959
3	Зомин	Туркистон тизмаси тоғ экотизимлари	21735	1975
4	Зарафшон	Зарафшон дарёси ўрта оқими тўқай экотизимлари	2352	1971
5	Қизил-қум	Амударё ўрта оқими ва қўшни саҳролар тўқай экотизимлари	10311	1975
6	Нурота	Нурота тизмаси тоғ экотизимлари	26895	1971
7	Сурхон	Қўҳитанг тоғ тизмаси экотизимлари ва Амударё ўрта оқими тўқай экотизимлари	26895	1975
8	Китоб	Ноёб геологик кон	3938	1987
Миллий боғлар				
1	Угам – Чотқол миллий давлат	Ғарбий Тянь-Шан экотизимлари	574590	1990

	боғи			
2	Зомин миллий боғи	Туркистон тизмаси экотизимлари	24110	1977
Давлат табиат ёдгорликлари				
1	Ёзёвон саҳроси	Ноёб табиат ёдгорликлари	1000	1991
2	Мингбулок тумани табиат ёдгорлиги	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	1000	1991
3	Чуст тумани табиат ёдгорлиги	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	96	1990
Алоҳида табиий объектлар ва комплексларни сақлаш, кўпайтириш ва тиклаш учун ҳудудлар				
		Буюртмаҳоналар	1503206	
1	Оқтоғ	Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар	15400	1997
2	Денгизқўл	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	50000	1990
3	Қарнобчўл	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	40000	1992
4	Қорақир	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	30000	1992
5	Қўшрабод	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	16300	1992
6	Муборак	Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар	264469	1997
7	Сармиш	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	5000	1997
8	Сайғочи	Ёввойи ҳайвонлар	1000000	1997
9	Сечанқўл	Балиқлар	7037	1998
10	Судочье	Ёввойи ҳайвонлар	50000	1991
11	Хубара	Тувалоқ ва унинг яшаш жойлари	25000	1998
		Табиий парваришхоналар	7122	
1	«Жайрон» экомаркази	Жайрон, қулон, Прежевалск отлари	7122	1976
2	Балиқ хўжалиги ҳудудлари	Сув ҳавзаларидаги антропоген тизимлар	-	
3	Муҳофаза этиладиган ландшафтлар	Алоҳида табиий экотизимлар	1004005	
4	Курорт табиати ҳудудлари	Антропоген экотизимлар	338	
5	Рекреация ҳудудлари	Антропоген ва табиий экотизимлар	70	
6	Давлат биосфера резерваторлари	Табиат экотизимлари	35724	
7	Чотқол давлат биосфера қўриқхоналари	Чотқол тоғ тизими экотизимлари	35724	1947

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг мутахассислари Ўзбекистоннинг экотуристик районлари харитасини ишлаб чиқишган.

Харитага мувофиқ, бутун мамлакатимиз ҳудуди XIV экотуристик районга ажратилган. Ҳар бир экотуристик туманга экотуристик зона деб ҳам қараш мумкин. Улар жумласига Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдаркул, Сирдарё, Чирчиқ, Охангарон, Фарғона, Туркистон, Қашақадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристик районлари киритилган.



25-расм. Ўзбекистон Республикасининг экотуристик районлари³⁶

Ҳар бир район ўзининг экотуристик ҳолати, имкониятлари, шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради.

Ўзбекистонда экологик саёҳатни ривожлантириш борасида маҳаллий аҳолини жалб қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. ТАСИС ташкилотининг молиялаштиришга асосан Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон давлатлари давлатлараро Ғарбий Тянь-Шан биохилмалигини сақлаш бўйича лойиҳа туздилар. Бу Нурота-Қизилқум табиатни муҳофаза қилиш комплексида, рухсат этилган жониворларни ов қилиш фаолиятидан даромад келтириб ва бу жониворларнинг кўпайишини ва тиклашга ёрдам берадиган ҳаражатларга ишлатилади.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси маълумотлари асосида

3.4. Гастрономик туризм

Ҳозирги вақтда гастрономия туризмнинг ривожланиши «миллий иқтисодиётга ижобий таъсири, бандликни таъминлаш ва маданий мерос сифатида ҳар томонлама тавсиф» сифатида БТТ нинг доимий назоратида ҳисобланади. БТТ экспертларининг тақдим этган маълумотларига биноан «туризм соҳасидаги 30% харажатларни гастрономия туризми ташкил этиб, гастротуризм маҳаллий маданиятнинг асосий элементи ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади, бунда асосий эътибор Буюк Ипак йўлидаги туристик йўналишларнинг туристик таклифларини такомиллашувини ва миллий ошхонани ривожлантиришга қаратилгандир»³⁷.

Саёҳатга чиқар эканмиз биз ўз олдимизга одатда қатор мақсадларни кўямиз, жумладан, Синай тоғларига кўтарлиш, Қадимги Миср ва Рим эҳромларини томоша қилиш, ёхуд денгиз бўйида мириқиб дам олиш каби мақсадлар билан биргаликда, муҳими асрлар давомида сақланиб келган маҳаллий миллий таомлар таъмидан баҳра олиш ва уларни тайёрланиш маданияти билан танишишдан иборат бўлади.

Гастрономик турларнинг мақсади у ёки бу мамлакат ошхонасининг хусусиятлари билан танишишдан иборат бўлиб, бунда бир неча тансиқ таомларни татиб кўриш ёхуд кўплаб таомларни истеъмол қилиш эмас, балки асрлар давомида сақланиб келган маҳаллий рецептларни ва урф-одатларни ўзида жамлаган миллий таомлардан баҳра олиш ва уларни тайёрланиш маданияти билан танишишдан иборат бўлади.

Гастрономик саёҳат – бунда саёҳатчи у ёки бу мамлакат тўғрисидаги тушунчани изохлаш билан бирга, миллий таом орқали шу мамлакат халқининг руҳиятини ўрганади ва унинг менталитети ҳақида маълумот олади. Шундай қилиб, гастрономия туризми – бу мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиш ҳисобланиб, мақсади маҳаллий ошхона хусусиятлари билан танишиш

³⁷ Данилов С. Туризм со вкусом узбекского плова. Т.: 2013


ҳамда келган сайёҳларга антиқа таом ва маҳсулотлардан татиб кўришга имкон яратади.

Гастрономик тур хизмат сифатида нафақат саёҳат қилиш бўлиб ҳисобланади, балки дунёнинг бошқа бирор жойида такрорланмайдиган ва бетакрор таъмга эга бўлган масаллиқлардан таркиб топган маълум бир ҳудуддагина учровчи таомларни татиб кўришга қаратилган тадбирлар мажмуига киради.

Гастрономия туризми турига қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу қизиқиш кўпроқ Буюк Британия, Италия ва Перуда кенг оммалашиб, йилдан – йилга гастротуристик маршрутлар ишлаб чиққан мамлакатлар сони табора ортиб бормоқда. Бундай қизиқишнинг ошиши туризмнинг бошқа турларини ҳам ривожлантиришга замин яратмоқда. Инсонлар дам олишининг бу турини ярим фабрикат маҳсулотларни истеъмол қилиш кўнглига урганидан сўнг, кўнгли истаган таомни асл ҳолида татиб кўришга интилиш, деб ҳам тушуниш мумкин.

Гастрономия туризми биринчи навбатда гурманлар, яъни мазали таом истовчилар учун жозибадор бўлиб, уларга тансиқ таом, бу нафақат егулик балки, кўтаринки кайфият бағишловчи лаҳзалар ҳисобланади. Иккинчидан, гастрономик саёҳатлар иш фаолияти овқат тайёрлаш ва тановвул қилишга бевосита боғлиқ бўлган касб эгаларининг, хусусан ресторан бошқарувчиларини, татиб кўрувчилар (дегустаторлар), ресторан танқидчилари каби инсонларни ўзига жалб қилади. Бу инсонлар гастротурларга ўзларини касбий маҳоратларини оширишга, билимларини ошириш ва кўникмаларини моҳирона бошқаришга йўналтириш мақсадида гастротурларга чиқишади. Шундан келиб чиқиб, бу гастрономик турларда энг моҳир бош ошпазлар (шеф-поварлар)дан иборат мастер-класслар бўлиб, бунда улар ўз касбий сирлари билан бажонидил баҳам кўришади. Ниҳоят гастрономик турларда туристик компания вакиллари ўз тижоратини кенгайтириш мақсадида кулинар саёҳатларга чиқишади.

Бугунги кунда аҳоли қатламининг қуйидаги вакиллари гастрономик туристларни ҳосил қилади:



26-расм. Гастрономик туристларнинг таркиби

Ўзбекистонда гастрономия туризмини шакллантириш хусусиятлари.

Пазандачиликда ҳар бир халқнинг урф-одатлари, тарихий анъаналари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Мана шу ўзига хослик миллий ошхоналарда ажойиб таомларнинг юзага келиши ва турли-туман бўлишига ҳам сабаб бўлади. Барча таомларимизнинг мазали ва хуштаъмлилиқ даражасига кўтарилишида куёшли ўлкамиз заминида етиштириладиган деҳқончилик маҳсулоғларининг сархиллиги муҳим аҳамият касб этади. Дастурхонимизнинг ўзига хос хусусиятларини тўла намоён этадиган омиллардан бири-таомларимизнинг турли-туманлигидир. Чунончи, чорвачилик билангина шуғулланадиган жойларда гўшт-ёғ, сут-қатик кўпроқ истеъмол қилинса, деҳқончилик ривожланган ҳудудларда эса сабзавотли, дон-дуккакли овқатлар асосий ўрин олади. Шундай таомлар борки, буларни кундалик истеъмол учун эмас, балки байрам дастурхонларига мўлжаллаб, азиз меҳмонлар учун тайёрланади. Кази-қарта, пўстдумба ўрамаси, тандир кабоб, норин, хасип каби тансиқ таомлар шулар жумласига киради.

Бир ҳудудда яшаётган турли миллатлар ва элатларнинг таомлари бирига ўхшаши табиий ҳолдир. Масалан, агар ўзбек таомномасига назар ташлайдиган бўлсак, унда рус, тожик, украин, кавказ, татар, қозоқ, уйғур ва бошқа халқлар таомларининг ўнлаб хиллари уйғунлашиб, тобора такомиллашиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўз навбатида, паловларимиз, суюқ ошларимиз, ҳамир таомларимиз қардош халқларнинг дастурхонини ҳам беэаб турибди.

Халқимиз пазандачилигида йилнинг маълум фаслларидагина дастурхонга тортиладиган таомлар ҳам бор. Масалан, баҳорда қаймоқ, қўшилган редискали газак, шовул шўрва, сумалак, ҳалим, кўк чучвара, кўк сомса, қоваток палов (тоқ оши), қовурма гулқарам, ялпизли мошхурда истеъмол қилинади. Ёзда эса помидор қабоб, қарам дўлма, думбил шўрва, қалампир дўлма, лағмон, қатиқли угра оши, сузмали газак, чалоп, гўжа оши, буғлама қабоб, гўштли димлама, сабзавотли димламалар, айрон, яхна чой, мева компотлари ва ҳоказолар хуш келади. Кузда қовурма балиқ, лаққа қабоб, барра гўшт, қалла шўрва, бедана қабоб, беҳили палов, қартошка манти, асалли беҳи, қесма лағмон, ошқовоқ сомса қабилар кўпроқ дастурхонлардан аримайди. Аёзли кунларда қазӣ, қарта, пўстдумба, қўй ёғли палов, қарт думба палов, қазили палов, барра қабоб, турпли салат, қовурма шўрва, мошқичири, қишга сақланадиган мевалар, уларнинг мураббо, компот, қоқилари, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар истеъмол қилинади.

9-жадвал

**Ўзбекистон шароитида гастрономия туризмини шакллантиришдаги
миллий таомларнинг турлари жадвалда берилган**

№	ТАОМ НОМИ	ТАЙЁРЛАШ ҲУДУДЛАРИ	ИЗОҲ
1.	Атала	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади. (Сут атала, ун атала, кўк атала)	Атала – юртимиздаги энг қадимий таомлардан бири ҳисобланади. Қадимдан ота боболаримиз аталани қувват бағишловчи даривор таом сифатида истеъмол қилишган. Бу таом тўйимлилиги билан бир қаторда, ошқозон касалликларига даво ҳисобланади.

2.	Қуртоба	Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тайёрланади.	Қуртоба – энг қадимий таомларимиздан бири ҳисобланади. Бу таом деярли барча хонадонларда тайёрланган. Чунки қуртоба инсон организмга ниҳоятда фойдали, танани қиздирувчи ва кўшимча қувват берувчи таом.
3.	Ширчай	Бу таом ҳам юртимизнинг барча вилоятлари дастурхонига нонуштасига тайёрланади.	Ширчай – ҳам қадимдан халқимиз орасида энг машҳур таомлардан биридир. Чунки бу таом осон тайёрланиши билан бирга енгил хазм бўлувчи таом ҳисобланади. Ошқозон, буйрак ва юрак касалликларига даво ҳисобланади. У ўзининг баданга тез сингиши, кўп қувватлилиги билан машҳур.
4.	Ғилминди	Сурхандарё ва Самарқанд вилоятининг Булунғур, Қўшрабат туманларида, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Бахмал, Зомин туманларида маромига етказиб тайёрланади.	Ғилминди- қадимдан ота-боболаримиз далада ишлаб ҳолдан тойганларда шунингдек, мўътабар меҳмонларга тайёрлаб берилган. Чунки халқимиз орасида жуда кучли таом ҳисобланади. Бу таомни фақатгина устасигина маромига етказиб тайёрлаши мумкин. Тайёрлаш усули мураккаблиги боис халқимизнинг барча хонадонларида ҳам тайёрланмайди. Таом кам қувватлиларга тавсия этилади. Енгил, иштахани очувчи, кишини узоқ муддат тўқ тутиш хусусиятига эга.
5.	Юпқа	Сурхандарё ва Самарқанд вилоятининг Булунғур, Қўшрабат туманларида, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманларида маромига етказиб тайёрланади.	Юпқа – халқимизда қадимда асосан қиш ойлари жуда совуқ келганда, оиладагилардан бири қаттиқ шамоллаганда тайёрланган. Жанглarda аскарларга ҳам айнан шу таом кўпинча тайёрлаб берилган. Бу таом ниҳоятда кучли таом ҳисобланади. Ҳамма организм ҳам бу таомни кўтара олмайди. Фақат кучли организмли инсонларгина бу таомни истеъмол қила олади.
6.	Гўжа	Юртимизнинг тоғ олди туманларининг барчасида тайёрланади.	Гўжа халқимизнинг ёзнинг иссиқ ойларида чанқоқбосди таом сифатида истеъмол қилинадиган таоми ҳисобланади. Сутли гўжа Тошкент ва Фарғона водий томонларда тайёрланади. Шунинг учун ҳам бу таом жухори, маккажухори ва буғдой етиштириладиган жойларда кўпроқ тайёрланади. Ушбу таом ҳолсизликнинг олдини олади.
7.	Тандир кабоб	Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятининг тоғли туманларида тайёрланади.	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолисининг энг сеvimли таомлари сифатида истеъмол қилинади.
8.	Кулчатой	Юртимизнинг барча туманларида тайёрланади.	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолисининг энг сеvimли таомлари сифатида истеъмол қилинади. Кўпинча меҳмонлар таоми деб юритилади.
9.	Мош	Юртимизнинг	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолисининг

	кичири	барча туманларида айникса Тошкент вилоятида тайёрланади.	энг сеvimли таомлари сифатида истеъmol қилинади, парҳез таомлари турига киради.
10.	Мошхўрда	Юртимизнинг барча туманларида айникса Тошкент вилоятида тайёрланади.	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолисининг энг сеvimли таомлари сифатида истеъmol қилинади. Айникса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари аҳолиси сеvиб истеъmol қиладиган таом ҳисобланади.
11.	Угра палов	Самарқанд вилояти ва унга яқин жойларда тайёрланади.	Самарқанд вилояти ва унга яқин жойлар аҳолисининг энг сеvimли таомлари сифатида истеъmol қилинади.
12.	Сумалак	Юртимизнинг барча туманларида тайёрланади.	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолиси баҳор фаслида пиширадиган миллий таоми сифатида қадрланади. Бу таом инсонларга куч-қувват бағишлайди. Мусулмон дунёсида Наврўз таоми деб юритилади.
13	Нишолда	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Нишолда ота-боболаримиздан қолиб келаётган, тўй ва маракаларда тортиладиган ширинликлардан бири бўлиб, ҳозир ҳам истеъmol қилинади. Нишолда оппоқ пиёлага солиб кўйилса дастурхонни безатади, ҳазм қилиш хусусиятлари кучли.
14	Холвайтар	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолисининг сеvimли ширинликлари сифатида истеъmol қилинади. Аҳоли орасида машҳур ширинлик бўлиб, кўпинча тўй ва маракаларда пиширилади.
15	Қатлама	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Ўзбекистонинг барча вилоятлари аҳолисининг сеvimли нон маҳсулотлари сифатида истеъmol қилинади. Аҳоли орасида машҳур нон маҳсулоти бўлиб, кўпинча тўй ва маракаларда пиширилади.
16	Норин	Юртимизнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари ҳудудларида тайёрланади.	Сумалак ва халимдан (халиса) кейин энг узоқ тайёрланадиган таомлардан бири, таомдаги турли туман маза-таъм ҳозиргача нориннинг доврўғини, сирлилигини сақлаб келмоқда.
17	Хасип	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Бу таом ҳам халқимизнинг энг сеvimли таомларидан бўлиб, асосан сўйилган молнинг калла-оёқлари, ошхозон ва ичакларидан тайёрланади ҳамда тўйимли, қувват бағишловчи таом ҳисобланади.
18	Қийма кабоб	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Бу таомнинг доврўғи бутун мамлакат ва ҳаттоки хорижлик меҳмонларга ҳам етиб борган. Ўзининг пиширилиш жараёни, таъми, кўриниши ҳар қандай кишининг иштаҳасини очади.
19	Чалоп	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Юртимизнинг ҳамма вилоятларида айникса ёз мавсумида тайёрланиб истеъmol қиладиган асосий суюқ таом ҳисобланади. Чалоп иссиқ кунларда иштаҳа очувчи ва тез ҳазм қилувчи таомдир.

20	Тухум барак (хоразмча таом)	Юртимизнинг Хоразм, Бухоро ва Навойи вилоятларида тайёрланади.	Тухум барак асосан Хоразм, Бухоро ва Навойи вилоятларида тайёрланадиган таом бўлиб, миллий ошхонамизда қадимийлигига ва муҳлисига эга бўлган қувват бағишловчи мазали таомлардан ҳисобланади.
----	------------------------------------	--	---

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Go Uzbekistan.uz, Restoran.uz портали билан ҳамкорликда «Ўзбекистон гастрономия туризми» номли янги лойиҳаси фаолият кўрсатмоқда. Бу билан мамлакатимизнинг ошпазлик санъатидаги таомлардаги хилма -хиллиги ва маҳаллий хусусиятларга тегишли эканлиги, оддий ва қадимийлиги ҳудудлардаги илғор тажрибалар билан халқаро туризм бозорига кириб боришига имконият яратади.

3.5. Қишлоқ туризми

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсониятнинг тарихий-маданий бойлиги ва табиат ресурсларини асраб-авайлашнинг муҳимлиги кенг жаҳонда эътироф этила бошланди. Натижада қишлоқ туризми жадал суръатлар билан ривожлана бошланди. Ҳозирда эса одамларнинг (туристларнинг) маҳаллий аҳоли билан танишув ва мулоқатга кириши, дўстлашуви, қишлоқ ҳаёти билан ҳамнафас бўлиш, қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланиш, қишлоқ табиати бағрида дам олиш, спорт билан шуғулланиш туризмда қишлоқ туризмнинг имкониятлари катта эканлигини исботлади. Сўнги йилларда эса қишлоқ туризмнинг кўп фаолиятлиги натижасида дунёда унинг оммавийлигини тобора ошириб, кучайтириб бормоқда. Европада қишлоқ туризмнинг туристлари 1997 йилдан 2000 йилгача 60 млн.га етди. Германия, Франция, Италия, Англия давлатларида минглаб туристик фирмалар қишлоқ туризми билан шуғулланадилар.

Шунингдек, қишлоқ туризмнинг ривожлана бориши билан бу туризм турига таъриф бериш ҳозиргача давом этиб келмоқда. Қишлоқ туризмнинг тадқиқотчилари ҳар бир мамлакатда (ўз мамлакатада) қишлоқ туризмга ўз туризми ривожланиши шароитларига қараб баҳо, таъриф ва тавсиф бериб

келмоқдалар. Кўплаб тадқиқотчилар «қишлоқ жойлардаги туризм» билан «қишлоқ туризми»ни алмаштириб келмоқдалар.

Қишлоқ туризмини экологик туризмнинг бир тармоғи деб талқин қилувчилар ҳам ўзларини ҳақ деб билишади. Масалан, экологик туризм кўп ҳолларда табиат бағрида жойлашган қишлоқларда юз беради ёки туристлар туристик инфратузилмалар ва туристик хизматларни экотур вақтида қишлоқ аҳолисидан сотиб олишади. Жаҳон илмий адабиётида экологик туризмнинг номланишига эътибор берсак, бу ҳолатни тезда илғаб оламиз:

- юмшоқ туризм (Sanfter Tourismus);
- юмшоқ туризм (Soft Tourismus);
- тоғ туризми (Mountain Tourismus);
- табиат туризми (Nature Tourismus);
- ёввойи туризм (Wilderness Tourismus);
- яшил туризм (Green Tourismus);
- саргузашт туризми (Adventure Tourismus);
- қишлоқ туризми (Agro Tourismus);
- экотуризм (Ecotourismus).

Қайд қилинган туризмнинг барча турлари ҳам номланиши ҳам албатта табиат ва унинг ресурсларини эслатиб туради. Қайд қилинган талаблардан маълум бўладики, қишлоқ туризми кўп фаолиятлари жиҳатидан экотуризмдан анча фарқ қилади. Қишлоқ туризмида туристлар қишлоқ аҳолиси (фермер, деҳқон, чўпон) билан бирга яшайди, кўп ҳолларда бирга ишлайди, уларнинг турмуш кечириши, ҳаёт тарзи билан қизиқади. Шу жиҳатлардан ҳам қишлоқ туризмини экотуризмга қўшиш нотўғри хулосаларни келтириб чиқаради.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини ўрганишдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Қишлоқ туризми меҳнат ресурсларини қўшимча, янги иш ўринлари билан таъминлашда катта имкониятларни яратади;

2. Табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги технологияларини жалб қилади;
3. Қишлоқ туризми экологик тоза озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишни таъминлайди;
4. Қишлоқ туризми табиат муҳофазасида инвестициялар киришини ахборотлайди ва қишлоқда хизматлар сервисини такомиллаштиради;
5. Қишлоқ туризми қишлоқларда маҳаллий аҳолининг ижтимоий – иқтисодий даражаларини ўстиради;
6. Қишлоқ туризми маҳаллий маҳсулотлар, хунармандчиликка кенг йўл очади;
7. Қишлоқ туризми табиатни муҳофаза қилувчи маҳаллий бошқарувни ривожлантиради ва маънавий, моддий жиҳатлар бўйича рағбатлантиради;
8. Қишлоқ туризми халқлар ўртасида ҳамдўстлик алоқаларини юзага келтиради;
9. Қишлоқ туризми туристик ресурсларни муҳофаза қилади, таъмирлайди ва ободонлаштиради;
10. Қишлоқ туризми инсонларни руҳий, жисмоний жиҳатдан дам олдиради;
11. Қишлоқ туризми деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ўргатади, бу соҳаларнинг маҳсулотларидан манфаатдор бўлишни таъминлайди.

Жаҳонда қишлоқ туризмини ташкил қилишнинг анча мукаммал моделлари Европа давлатларида ишлаб чиқилгандир. Бу моделлар деярли бири – бирига ўхшамайди. Энг муҳими, қуйида қайд қилинган моделлар ҳозирда Европа давлатларида мувоффақият билан ишламоқда ва жаҳондаги кўплаб давлатлар бу моделлар асосида ўз мамлакатларида қишлоқ туризмини ривожлантиришмоқдалар.

Британия моделида асосан қишлоқ туризмида туристларни жойлаштиришга кўпроқ эътибор берилган. Бошқа жиҳатлар эса Европадаги давлатлар тажрибасидан олинган ҳисобланади.

Туристларнинг оммавийлашган, улар яхши кўрадиган яшаш тарзи 3 типга бўлинади:

1. Фермернинг уйида яшаш ва унинг оиласи билан фақат нонушта қилиш. Бу шароитда фермер билан, унинг оила аъзолари билан дўстона алоқаларни бошлаш имкониятлари, шароитлари юзага келади;

2. Алоҳида бинода, қисман қулайлик шароитида ўз – ўзига хизмат қилиш билан яшаш;

3. Атрофлари ўралган, ўртача 8 – 15 туристни жойлаштирадиган бинода, ўз – ўзига хизмат қиладиган шароитда яшаш.

Учинчи вариант Британия моделида жуда даромадли ҳисобланади. Бир кунлик тунаш ҳар бир турист учун 10 евро миқдорида. Бу вариантнинг даромадлигининг асосий сабаби ёшларга ва гуруҳларга мўлжалланганлигидадир. Бу шароитни ўқувчилар ва айниқса студентлар маъқул кўришади. Шу билан бирга Британия моделида қишлоқда жойлашишнинг 3 хил даражаси бор: люкс –пулдорлар учун махсус қурилган уй, ўртача бойлар учун махсус қурилган ҳовли ва юқоридаги 3 та шароитли яшаш тарзи.

Британия моделида яна бир муҳим хизматлар борки, қишлоқлардаги тадбиркорлар турстлар учун маҳаллий аҳамиятга эга бўлган миллий ва спорт ўйинлари, болалар учун пони (пакана) отда сайр, отларда сайр, гольф ўйинларини ташкил қилишади. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар баҳор ва ёз ойларида қишлоқларга шошилишадилар.

Британия моделидаги яна бир муҳим жиҳатлар шундан иборатки, ота – оналар болаларини экологик маданият, билим руҳида тарбиялаш учун ҳам болаларини қишлоқларга олиб боришадилар ва қишлоқ тадбиркорлари махсус тайёрланган майдончаларда (оғил, молхона) чорва молларининг бир – икки ойлик улоқчалар, бузоқчалар, кўзичоқлар билан бирга ўйнашади, қуёнларга,

кушларга овқат, дон беришади. Бу жараёнларда болаларда ҳайвон ва паррандаларга меҳр туйғулари ҳосил бўлади.

Франция модели. Франция жаҳонда қишлоқ туризмини ривожлантирган биринчи мамлакат ҳисобланади. Бу давлат XX – асрнинг ўрталарида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиққан эди. Ҳозирга келиб қишлоқ туризми франсиянинг барча департаментларида яхши ташкил қилинган. Франция моделида қишлоқ туризми анча мураккаб ва махсус ихтисослаштирилган ҳисобланади. Мамлакатнинг жанубида қишлоқ – чўмилиш пляж туризми инфратузилмалари етарли даражада яратилган. Бу қишлоқларда туристлар учун махсус котедж уйлари қурилган. Марказий районларда агротуризм яхши ривожланган. Бу ердаги қишлоқларда туристлар учун кичик уйлар барча шароитлари билан туристларнинг ихтиёрига берилади. Чунки, фаранглар овқатни ўзлари тайёрлашни хуш кўришади.

Франция вино ва гастрономия туризми бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринларда туради. Бу туризмда асосан бой туристлар дам олишади. Улар қишлоқ уйларда жойлашиб кунига уч маҳал (тўлиқ пансион) овқатга буюртмалар беришади ва бу овқатларнинг тайёрланиш жараёнларига қатнашадилар.

«Вино туризми» шаҳарлик фарангларнинг энг яхши кўрган қишлоқ хўжалик туризми йўналишига киради. Маълумки, фаранглар энг кўп вино ичадиган халқлардир. Вино туризмидаги туристлар винонинг таъмини синаб кўришга қатнашадилар, шампан виносидаги фарқни билиш учун кўплаб виночилик хўжаликларига боришадилар, вино тайёрлашни ўрганишадилар, винони меҳмонларга узатишни машқ қилишади, винонинг навларини тўплаб уйларига олиб кетишадилар.

Кўплаб туристлар қадимий қалъалар, тарихий ибодатхоналар, археологик топилмалар жойлашган қишлоқларда ҳафта – ўн кунлаб қолиб кетишади. Улар қишлоқ уйларида жойлашиб куни билан пиёда сайрга чиқишади, ибодатхоналар, тарихий жойларни ўрганишади ва овқатланишга тўлиқ ҳақ

тўлашади, ўзлари овқат тайёрлашмайди. Альп тоғларидаги қишлоқлар эса асосан чанғи спорти ҳаваскорларига туристик хизматлар кўрсатишади.

Германия модели. Германияда қишлоқ туризмини фермер туризми деб номлашади. Табиийликка интиланган немислар имкони борида қишлоқлардаги эски уйларда яшашга интиладилар. Шунинг учун ҳам немислар қишлоқларда замонавий қулайликларга эга бўлган уйларни қишлоқларда қуришмайдилар. Немис туристлари қишлоқларда дам олишда ерда ишлаш, ҳайвонларни боқиш, маданий ўтиришлар, суҳбатлар ва балиқ овлашга қизиқишади.

Қишлоқ туризми ташкилотчилари асосан ёзги – таътил мавсумидага тўғри келадиган халқнинг миллий байрамлари, миллий фольклор фестивалларига мослаб турмаҳсулот тайёрлашади, қишлоқларда халқаро кўргазмалар кўплаб ташкил қилинади. Масалан, «Окtoberфаст» байрамига жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан туристлар келишади. Шунингдек, немис қишлоқларида 100 йиллаб ўз таркибини ўзгартирмасдан тайёрланаётган пиво ичимлиги байрамлари ҳам кўплаб уюштирилади.

Италия модели. Италияда қишлоқ туризми кўпинча деҳқон туризми деб аталади ва туристик дастурлар асосан 3 мавзуда тузилади ва ишлаб чиқилади:

1. Табиат ва соғлиқ
2. Анъанавий гастрономия
3. Спорт

Қайд қилинган тур маҳсулотлар ишлаб чиқилган махсус, ихтисослашган қишлоқлар бор. Масалан, Къяний, Умбрия ва Сицилия провинциялари фақат «табиат ва соғлиқ» йўналишига мойил туристларни қабул қилишади.

Виночилик туризми ҳам худди Франциядагидек, туристлар вино тайёрлаш учун боғбонга ёрдам беради, боғбон эса иш ҳаққига узум беради ва узумни ачитиш жараёни, узумнинг винога айланиш технологиясини ўргатади ва бошқалар.

Денгиз ёқасига асосан балиқ овлашга чиқувчи туристлар, Абруппога – зайтун ёғига қизиқувчи туристлар ташриф қилишади.

Қишлоқ туризмида жойлашиш воситаларини танлаш таркиби қуйидагича: апартаментларда – 44%, хона – апартаментларда – 22%, фақат хоналарда – 4 %. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда асосан Европа давлатларидаги моделларни келтиришимизнинг асосий сабаби шундан иборатки, дунёдаги кўплаб мамлакатлар ўзларида қишлоқ туризмини ривожлантириш учун ҳозирда асосан қайд қилинган моделларни жорий қилишмоқдалар.

Энг муҳими шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантириш учун ҳамкорликда «Қишлоқ туризмини ривожлантириш стратегияси ва дастури», «Қишлоқ туризми бозорида таклифлар ва талабларнинг ўзгариш истикболлари»ни ишлаб чиқдилар. Ушбу ҳамкор дастурлар асосида Буюк Британия давлати 1998 йилда қишлоқ туризмида 350 минг янги иш ўринларини ташкил қилдилар.

Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа моделларини яхши ўрганишимиз, бу моделлардан қишлоқларимизда фойдаланиш имкониятларини ўрганишимиз, ҳамда қишлоқ туризмини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларининг тажрибаларидан маълум бўлдики, ушбу давлатлар қишлоқ туризмини ривожлантиришга бундан 50 йил олдин киришган. Дунёда қишлоқ туризми ривожланиши бўйича биринчи ўринда турувчи Франция давлатининг қишлоқ туризмини ривожлантириш моделини, Буюк Британия моделини, Германия моделини ва Италия моделини қишлоқ туризмини халқаро моделлар деб тан олишининг сабаби ҳам шунда.

Энди Ўзбекистонда қишлоқ туризми ривожлантириш учун қайд қилинган моделларнинг қайси бири ўнғайроқ ва қулайроқ? Агар бу моделларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини ўрганганимизда уларнинг барчасини қишлоқ туризмини ривожлантиришимиз учун қўллаш ҳеч қандай муаммоларни келтириб чиқармайди, шу билан бирга осон ҳам. Чунки, қишлоқ

туризмни ривожлантиришдаги асосий манба – туристик ресурсларнинг хилма – хиллиги бизда юқорида қайд қилинган Европа давлатларидагидан ҳам кўп.

Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантириш учун, дастлаб қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишган, сўнгра қишлоқ туризмни ривожлантиришга жавоб берувчи, давлат ваколатини олган ташкилот тузишган (масалан, Францияда – «Туризм ва қишлоқ ерлари ассоциацияси»; Британияда – «Британия туристик кенгаши» ва «Қишлоқ ерларини ривожлантириш агентлиги»; Австрияда – «Австрия фермерлик туризми ассоциацияси» ва бошқалар).

Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги **дастлабки босқичда** қишлоқ туризмни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим. **Иккинчи босқичда** эса ана шу ташкилий – иқтисодий механизмлар асосида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий қонунларини ишлаб чиқиш мақсадли йўналиш бўлади.

Учунчи босқичда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий қонунларига асосланиб қишлоқларимиздаги туристик ресурсларимизни рўйхатга олишимиз, уларнинг таъриф – тавсифаларини тайёрлашимиз, фойдаланиш имкониятларини ҳисоблаб чиқишимиз, туристик объектларда туристик инфратузилмалар ва туристик маршрутлар яратишимиз лозим бўлади.

Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожланишини башоратлашда ва истиқболли стратегик режалар ишлаб чиқишда доимий равишда социал сўров ўтказишади. Европа иттифоқининг статистик маълумотлари бўйича 30 % аҳоли қишлоқ туризмида дам олиш истаги аниқланди.

Социал – сўров ўтказишдан олдин албатта қишлоқ аҳолиси ўртасида қишлоқ туризмнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари бўйича жиддий ташкилий ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

Мустақил ишлаш учун саволлар:

1. Туризм соҳасининг таснифланиши қандай амалга оширилади?
2. Ҳаракатларнинг турларига нисбатан сайёҳлик маршрутлар таснифи қандай кўринишларга эга?
3. Туризм турларининг таснифи бўйича яна қандай турларни биласиз?
4. Диний туризмнинг ҳозирги фаолияти нимадан иборат?
5. Актив ва пассив туризм турларидаги хусусиятларининг фарқи нимадан иборат?
6. Ўзбекистон туризми соҳасидаги туристик турларнинг умумий ҳажмидаги улушларида қайси турлар катта аҳамиятга эга?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар:

1. Туризм соҳасининг таснифланишида ҳаракатланиш усули бўйича туризм турларини аниқланг ва тақдимот тайёрланг.
2. Туризм соҳасининг таснифланишида жойлашув воситалари бўйича тақдимот тайёрланг.
3. Туризм соҳасида иштирок этувчилар сони бўйича туризм турларини аниқланг ва тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари:

1. Қуйидаги таърифлардан қайси бири «ички туризм» тушунчасини ифодалайди?
 - а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати
 - б) бир мамлакат фуқаросининг бошқа мамлакатга саёҳат қилиши
 - г) бирор бир мамлакат фуқаросининг ўз аҳолиси бўлмаган мамлакатга саёҳат қилиш учун келиши
 - д) узоқ қариндошларни кўриш ва соғлиқни тиклаш мақсадида даволаниш
2. Халқаро туризмга таъриф қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - а) шахснинг туристик мақсадларда доимий яшайдиган мамлакатидан ташқарига саёҳати

б) вақтинчалик бўладиган мамлакатда саёҳатчиларни сайёҳлик ресурслари билан таништириш мақсадидаги фаолиятни ташкиллаштириш бўлиб, бунда жойлаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш назарда тутилмайди

г) ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда (тўланадиган фаолиятсиз) туристик мақсадларда саёҳат қилишга айтилади

д) вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш

3. Кирувчи туризмга таъриф қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган фуқораларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати

б) вақтинчалик бўладиган мамлакатда саёҳатчиларни сайёҳлик ресурслари билан таништириш мақсадидаги фаолиятни ташкиллаштириш бўлиб, бунда жойлаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш назарда тутилмайди

г) жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойидан 12 ойдан ошмаган муддатга, борадиган жойида иш ҳаққи тўланадиган фаолият билан шуғулланмасдан, даволаниш, ўрганиш, иш ёки бошқа мақсадда саёҳати ҳисобланади

д) вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш

4. Чиқувчи туризмга тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг ўзга мамлакатларга қилган саёҳати

б) фаолияти тўланмайдиган туристлик мақсадларда доимий яшамайдиган шахсларни ўзга мамлакат ҳудудига ташрифи, саёҳати ҳисобланади

г) вақтинчалик бўладиган мамлакатда саёҳатчиларни сайёҳлик ресурслари билан таништириш мақсадидаги фаолиятни ташкиллаштириш бўлиб, бунда жойлаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш назарда тутилмайди

д) жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойидан 12 ойдан ошмаган муддатга, борадиган жойида иш ҳаққи тўланадиган фаолият билан

шуғулланмасдан, даволаниш, ўрганиш, иш ёки бошқа мақсадда сайёҳати ҳисобланади.

5. Ижтимоий туризм – бу?

- а) давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан саёҳат қилиш ҳисобланади
- б) хорижга ташрифнинг асосий мақсади бўлиб, олиб яна қайта сотиш учун халқ истеъмоли товарларини харид қилиш ҳисобланади
- г) ўзига хос тарзда дам олишни бир тури бўлиб, туристларни нафакат улар учун жалб қилувчи жойлар билан таъминлаш, балки ғалати, ғайритабиий фаолият тури билан шуғулланишга жалб қилади
- д) туризмнинг мазкур тури қариндошларникига, туғилган жойларга ва яқинлариникига ташриф буюриш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ» ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 22 декабрь 2017 йил, - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 60-бет
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270 сонли фармони, 2017 йил 1 декабрь.
5. Декларация о правах инвалидов. 2433-е пленарное заседание, 9 декабря 1975 год
6. Воронкова Л.П. История туризма: Учебное пособие. – М., 2001. –С.203.
7. Қудратов Б., Тухлиев И., Сафаров Б., Абдухамидов С. Туризм: назария ва амалиёт, Дарслик. . -Т.: 2018
8. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари, Дарслик. -Т.: 2014.
9. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010.
10. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. – М., 2003. –С.335.
11. Квартальнов В.А., Федорченко В.К. Туризм социальный: история и современность: Учебное пособие. – Киев, 1989. –С.11.

12. Научный журнал: ИСТОРИЯ, КУЛЬТУРА, ЭКОНОМИКА УРАЛА И ЗАУРАЛА. 12-13 ноября 2015 г. С. 178-179. О.В.Вирт, И.Э.Карасев. Кинотуризм как перспективный вид культурно-познавательного туризма.
13. Соколова М. В. История туризма. Учебное пособие. 2002
14. Christine Hinz (2015-12-05). "The buzz around halal"/ Travel Tourism News Middle East.
15. ["Study: Food and Wine Travel Increases in Popularity"](#)
16. ["Popularity of wine tourism grows"](#). Italy Magazine. May 12, 2012.
17. "Economic Impact and Travel Patterns of Accessible Tourism in Europe"
Downloaded 30 May 2016
18. Scott Rains, "Disability Pride and World Travel by Dr. Scott Rains", 18 August 2009
19. World tourism day 2016, "Tourism for all-promoting universal accessibility"
Good Practices in the Accessible Tourism Supply chain
20. Convention on the Rights of Persons with Disabilities (New York, 2006).

Интернет сайтлари:

1. Курсы по английскому языку (электрон ресурс) / электрон манзил: <http://www.embassyces.com>
2. Regent Language Training (электрон ресурс) / электрон манзил: www.victoriaschool.co.uk
3. Recognised English Language Schools Association of Ireland (электрон ресурс) / электрон манзил: <http://www.witslanguageschool.com>
4. www.statista.com
5. www.bkwinetours.com
6. www.forbes.com
7. www.winesofbalkans.com
8. www.latomatinatours.com
9. www.calend.ru
10. www.sharqtaronalari.uz

Мундарижа:

Кириш.....	3
I-боб. Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари.....	5
1.1 Географик ва туристик талаб йўналиши бўйича.....	5
1.2 Мақсадлар бўйича.....	8
1.3 Иштирок этувчилар сони бўйича.....	13
1.4 Ташкилий шакллари бўйича.....	14
1.5 Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари.....	15
II-боб. Туризмда ўзига хос турларнинг хусусияти.....	16
2.1 Таълим туризми.....	16
2.2 Волонтерлик туризми.....	23
2.3 Велотуризм.....	27
2.4 Фитнес туризми.....	34
2.5 Мавзули (тематик) туризм	38
2.6 Воқеа-ходисалар туризми.....	52
2.7 Космик туризм.....	56
III-боб. Ўзбекистонда туризмнинг салоҳиятли турларини ривожлантириш имкониятлари.....	59
3.1 Зиёрат туризми.....	59
3.2 Ёшлар туризми.....	61
3.3 Экологик туризм.....	65
3.4 Гастрономик туризм.....	72
3.5 Қишлоқ туризми.....	78
Мустақил ишлаш учун саволлар.....	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	89

**2018 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman гарнитураси
Босма табоғи 5,75
Буюртма № 132, Адади 15 нусха**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй**